БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 185 (1189)
17 СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС XXI съездини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олайлик! (1-бет).

Совет медицинаси фанини янада ривожлантирамиз (2-бет).

Я. Элчибеков. — Бюджет топшириқларининг тўла бажарилишини таъминлайлик. (2-бет).

А. Абдуазимов. — Ким айбдор (2-бет).

Биринчи совет ордени. Қизил Байроқ ордени таъсис этилганига 16 сентябрда 40 йил тўлади (2-бет).

Хайр Москва! Поль Робсон Совет Иттифоқидан жўнаб кетди (2-бет).

Совет Иттифоқи атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этади. Бош Ассамблея XIII сессиясида қатнашувчи СССР делегацияси бошлиғи А. А. Громиконинг БМТ бош секретари Д. Хаммаршельдга мактуби. (3-бет).

Узоқ Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин! Тайвань ва бошқа ороллар ХХРнинг ажралмас қисми. Ж. Неру баёноти. Варшавада Хитой Америка музокаралари (3-бет).

ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАФТАСИ: **В. Ражабов.** — Транспортчиларнинг муҳим бурчи (4-бет).

Ф. Усмонова. — Чевар қизлар (4-бет).

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ (4-бет).

Кутубхоналар маданий хизмат ўчоғи бўлсин

«Китобни севингиз, у билим булоғидир» — деб таълим берган эди буюк пролетар ёзувчиси Максим Горький. Ҳақиқатан ҳам бизнинг мамлакатда китобни севмайдиган, ўқимайдиган одам топилмаса керак. Билим ва маърифат булоғи, ҳаёт ва кураш ойнаси, илҳом ва маънн манбаи бўлган китоб совет кишиларининг севимли дўсти, яқин маслаҳатчиси, доимий ҳамроҳидир. Шунинг учун ҳам кишилар ишда ва ўқишда, йўлда ва уйда китобни қўлларидан қўймайдилар.

Бизнинг мамлакатимизда китоб пропагандаси мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг бу қудратли қуролидан самарали фойдаланиш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Бунинг учун бизда минглаб шаҳар, район, қишлоқ, касаба союз кутубхоналари очилган. Бу маданият ўчоқларида меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандлари ўзларини қизиқтирган сиёсий ва бадиий, илмий ва техника китобларини олиб ўқийдилар. Юзлаб ўқишхоналар яхши жиҳозланган бўлиб, уларда турли ёш, турли касбдаги кишилар қизиқарли китоблар, газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар. Ҳозир кутубхонаси бўлмаган бирорта шаҳар ёки қишлоқни, корхона ёки муассасани учратиш қийин. Кутубхоналарнинг сони тобора ортиб, китоб фонди эса бойиб бораётир.

Тошкент шаҳридаги Навоий номли давлат кутубхонаси, Ўрта Осиё Давлат Университетининг асосий кутубхонаси, Тошкент тўқимачилик, Чирчиқ электрохимия комбинатларининг бой китоб фондига эга бўлган ажойиб кутубхоналари билан ҳақли равишда фахрланаоламиз.

Шунингдек бир қатор қишлоқ ва район кутубхоналари ҳам аҳолига маданий хизматни яхшилаб, меҳнаткашларнинг севимли жойи бўлиб қолган. Қорасув, Сирдарё район кутубхоналарида, Чирчиқ, Оҳангарон шаҳарларидаги марказий кутубхоналарда иш яхши ташкил этилган. Биргина Чирчиқ электрохимия комбинати кутубхонаси бир йил мобайнида 300 лекция, 58 адабий кеча ташкил қилди ва бошқа қизиқарли тадбирларни ўтказди. Унинг китобхонлари сони эса 3 минг кишига яқинлашди.

Сирдарё районининг Сирдарё қишлоқ советидаги ўртоқ Пасько мудирлик қилаётган, Бекобод район 2-«Далварзин» совхозидаги ўртоқ Ичкинаев мудир бўлган кутубхоналарда ҳам оммавий-сиёсий ишлар яхши ташкил этилган. Бу кутубхоналарда иш тартибли олиб борилади, альфавит, картотекалар тузилган, методик ишлар яхши йўлга қўйилган. Мазкур кутубхоналарнинг китобхонлари сони тўхтовсиз ортиб бормоқда. Уларнинг ишчан, ўз вазифасига муҳаббат билан қаровчи малакали ходимлари тез-тез тематик лекциялар, докладлар, адабий кечалар, фан, маданият арбоблари, ишлаб чиқариш новаторлари, революция ветеранлари билан учрашувлар, китобхонлар конференциялари ўтказиб турадилар.

Октябрь районидаги Киров номли, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозларнинг кутубхоналари ходимлари эса ўз фаолиятларини дала ишларининг боришига мослаб олиб борадилар, қишлоқ хўжалигига доир китоблар виставкаси, дала шийпонларида кўчма кутубхоналар ташкил этадилар, ўз активлари ёрдами билан далада ишлаётган колхозчиларга китоблар олиб бориб берадилар.

Кутубхоналаримиз ишида бу каби қатор ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

Бир қатор район ва шаҳар кутубхоналарига кадрлар танлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Айрим район ва шаҳар ижроия комитетлари кутубхона мудирлигига бу муҳим, ўзига хос мураккаб ишни яхши билмайдиган, махсус билимга, малакага эга бўлмаган кишиларни қўймоқдалар.

Масалан, Бекобод шаҳар кутубхонасига мудир қилиб тайинланган ўртоқ Хан кутубхона иши соҳасида заррача маълумотга эга эмас. У, китобларни тўғри жойлаштириш, керакли китобни топиб бериш, картотека тузиш каби элементар ишларни ҳам уддалайолмайди. Шу сабабли кутубхонада иш ёмонлашди, қизиқарли тадбирлар, китобхонлар ўртасида жонли иш олиб бориш, шаҳардаги касаба союз ва болалар кутубхоналарига методик ёрдам бериш сингари муҳим ишлар олиб борилмайди.

Бўка район кутубхонасига ҳатто етти йиллик маълумотга ҳам эга бўлмаган Эргашева мудирлик қилиб келган. Кутубхона ишини яхши билмаган, ўзи китобни кам ўқийдиган бу мудир ҳамма нарсани чалкаштириб юборган. Бунинг устига кутубхона ходими Ўринбоева ҳам ишни яхши билмайди. Район болалар кутубхонасининг биноси бошқа ташкилотга олиб берилгани сабабли унинг китоблари ,район кутубхонасининг бир бурчагида тахланиб, чанг босиб ётибди. Район ижроия комитети (раиси Ўртоқ Қодиров), маданият бўлими (мудири Ўртоқ Зуфаров) район кутубхоналари ишининг бу қадар ночор аҳволга тушиб қолганлигига ачинмайдилар. Улар кутубхонани ишни яхши биладиган малакали ходимлар билан таъминлаш ҳақида ўйламаётирлар, кутубхоналарнинг нормал ишлаши учун шароит яратиб бермаётирлар.

Боёвут район кутубхонаси учун ҳар йили 8-10 минг сўмлик китоб олинади. Лекин кутубхона ўз биносига эга бўлмаганлиги сабабли китобларнинг пачкаси ҳам очилмай аллакимларникида чанг босиб ётади. Ахир бу китоблар халқ мулки, меҳнаткашларнинг билимини ошириш учун олинган-ку. Наҳотки, Боёвут район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари буни тушунмасалар. Район кутубхонаси ҳеч қандай иш олиб бормайди. Райондаги колхоз ва совхозларнинг кутубхоналарида ҳам аҳвол ёмон. Бундай аҳволни Пискент, Паркент, Бўстонлиқ районларида ҳам кўрамиз. Бу районлардаги кўпгина колхозларда кутубхона учун тузуккина бино ажратилмаган, баъзилари яхши жиҳозланмаган, айримлари эса кўпинча берк бўлади. Бундай ҳолларга узилкесил барҳам бериш керак.

Кутубхоналарни зарур бино билан таъминлаш, уларни шинам қилиб безаш, улар учун зарур инвентарлар олиб бериш, китоб фондининг бойишига ёрдам қилиш маҳаллий Советларнинг, партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Колхозларнинг маданий-маиший фондига ажратиладиган маблағдан китоб фондини бойитишда унумли фойдаланиш лозим.

Шаҳар, район, қишлоқ, колхоз кутубхоналарининг ишини яхшилаш, уларга барча зарур ёрдамни бериш область маданият бошқармаси ва область кутубхонасининг шарафли бурчидир. Кутубхона ходимлари тайёрлаш ишини янада яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш, илғор кутубхоначилар тажрибасини кенг ёйиш, улар ўртасида тажриба алмашишни ташкил этиш лозим. Касаба союзларининг маҳаллий комитетлари эса ўз ихтиёрларидаги кутубхоналарнинг ишлари устидан доимо назорат қилиб туришлари, кутубхона ходимларига ҳар тарафлама ёрдам бериб боришлари зарур.

Кутубхоналаримизнинг шу кунлардаги муҳим вазифаси — меҳнаткашларни КПСС XX съезди ва Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун курашга сафарбар этишда ёрдам берадиган адабиётларни кенг тарқатиш, новаторларнинг илғор тажрибаларини ҳар тарафлама пропаганда қилиш, Тошкентда бўладиган Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясига ва бошқа муҳим сиёсий воқеаларга атаб турли виставка, витрина, стендлар ташкил этиш, совет, жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини, марксизм-ленинизм классиклари асарларини кенг ёйиш, пахта йиғим-теримн даврига хос брошюра ва адабиётларни кенг тарқатишдан иборатдир. Ҳар бир кутубхонани унумли ишлайдиган, меҳнаткашлар маданий дам оладиган ҳақиқий маърифат ўчоғига айлантирайлик.

КПСС XXI съездини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олайлик!

Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари пахта теримига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар. Ҳозир колхоз далаларида терим оммавий тус олди. Суратларда: 1. 3-бригада табелчиси Эргаш Розиқов илғор теримчи Шапоат Қаландарова терган пахтани қабул қилиб олаётир. 2. Бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Саидов ҳосилнинг пишиб етилганлигини текширмоқда. 3. Ховос пахта тайёрлаш пунктининг товароведи М. Исҳоқов бир группа колхозчиларни пахта эталонлари билан таништираётир.

М. Шевелев фотолари.

☆ ☆ ☆

Пишиб етилган пахталар териб олинмоқда

Оржоникидзе районидаги «Ленинград», Охунбобоев номли колхозларда ҳар йили ҳам пахта барвақт пишиб етилади. Шу кунларда бу колхозларда терим бошланиб кетди. «Ленинград» колхозида давлатга ҳар куни 6 — 7— 10 тоннадан ва ундан ҳам ошириб пахта топширилаётир. Л. Камолова, М. Ҳошимова, Ҳ. Музаффарова ва шуларга ўхшаш илғор теримчилар нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Охунбобоев номли колхознинг И. Ҳайитмуҳамедов бошлиқ бригадасида кунига 80 — 90 килограммдан пахта териб топшираётган колхозчилар сони тобора ошмоқда. К. Бўрибекова, Т. Маҳаматқулова, Р. Ўразимбетова, У. Холмирзаевалар пахта теришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

М. БОЛТАБОЕВ,

Ғайратга-ғайрат, кучга-куч қўшиб

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съездининг чақирилиши ҳақидаги хушхабар Тошкент тўқимачилик-галантерея фабриакси коллективининг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшиб юборди. Шу кунларда барча ишчилар съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

КПСС нинг XX съезди бўлиб ўтганига ҳали уч йил ҳам бўлгани йўқ. Ана шу қисқа вақт ичида халқимиз Коммунистик партия раҳбарлигида тарихий ғалабаларни қўлга киритди. Буни халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларида, шу жумладан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда ҳам яққол кўриш мумкин. Коллективимиз ўтган йилдаги каби бу йил ҳам ўз олдига қўйилаётган вазифани муваффақиятли ҳал қилмоқда, халқимиз дидфаросатига жавоб берувчи тўқимачилик ва галантерея буюмлари етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.

Мавжуд ички резервлардан кенг фойдаланиш, машина ва агрегатларни моҳирлик билан бошқариш, коллектив орасида ўзаро социалистик мусобақани қизитиш натижасида 9 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш плани тўла бажарилди. Новатор ишчиларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий қилиш шу ойлар ичида давлатнинг 100 минг сўмга яқин маблағини тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини эса белгиланганига нисбатан анча камайтиришни таъминлади.

Фабрикамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиянинг XXI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун ўз зиммаларига янги мажбурият олдилар. Улар маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 10 декабргача бажариш, 700 минг сўмлик хомашёни тежаш, тўқимачилик-галантерея буюмларининг 98 процентини юқори сифатли қилиб чиқаришга аҳд қилдилар.

К. ХУДОЕРОВ,
Фабрика тайёрлаш бўлимининг бошлиғи.

Далалардан дараклар

ЯНГИЙЎЛ. Пахта йиғим-теримига тушишдан аввал Свердлов номли колхознинг ўртоқ С. Фозилов бошлиқ бригада аъзолари пахтани яхши очилтириб, 3-4 марта териб олиш, хом пахтани термаслик, сортларга ажратиб теришга алоҳида аҳамият бериш каби масалаларни чуқур муҳокама қилдилар.

— Пахта теришда энг муҳим ҳисобланган ана шу тадбирларга илғари етарли эътибор берилмас эди, — дейди илғор теримчилардан Маҳфуза Рихсиева, — мана энди меҳнатни ҳам тежаймиз, ишимиз унумли ва сифатли бўлади.

Бригада аъзоларининг ҳар бири бу йил йиғиб олинадиган ҳосилнинг 90 процентини биринчи сортга топшириш учун ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар. Ҳар бир теримчига алоҳида пахта майдони биркитилди.

Бригада аъзолари ўзларига биркитилган 76,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан «оқ олтин» териб олишга қизғин киришдилар.

З. Қуртнезиров.

☆ ☆ ☆

ОКТЯБРЬ. «Ўзбекистон» колхозининг янги ўзлаштирилган пахта далаларида иш қизғин. Колхоз аъзолари 8 сентябрдаёқ танлаб пахта теришни бошлаган эдилар. Айниқса колхознинг 1, 3 ва 4-бригадаларида пахта терими қизғин тус олди.

Илғор теримчилардан Зубайда Азимова, Хоним Абдурахмонова ва Тошпўлатова ўртоқлар ҳар куни хирмонга 70-80 килограммдан биринчи сорт пахта териб топшираётирлар.

Шу билан бирга колхознинг бошқа бригадаларида қолоқ ғўзаларни қўшимча парвариш қилиш ва суғориш ишлари ҳам давом эттирилмоқда.

Шунингдек Сталин номли колхоз аъзолари ҳам ўзларига биркитилган 1715 гектар ерда мўл ҳосил етиштириб, танлаб пахта теришни бошлаб юбордилар.

Н. Уринбоев.
А. Абдурахмонов.

БОЁВУТ. «Коммунизм» колхозининг Қўшоқ Маҳкамов, Ж. Латипов ва У. Тўйчиев ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ва 1-«Боёвут» совхозининг 9-бўлим ишчилари пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар.

Мавсумда 10-15 тонна пахта теришга аҳд қилган К. Назарова, Ш. Раҳматиллаева, Қ. Қўлдошева, Т. Иброҳимова, Р. Каримова каби чевар теримчилар ҳар куни хирмонга 50-60 килограммдан пахта топшираётирлар.

Бу бригадаларда теримчиларга қулай моддий-маданий шароит яратиб берилган. Дала шийпонлари яхши безатилган ва ҳар кун 3 мартадан иссиқ овқат ташкил қилинган.

Т. Останақулов.
У. Алиқулов.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. Ворошилов номли, Тельман номли ва Карл Маркс номли колхозларнинг сўнгги йилларда ўзлаштирилган бўз ерларида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан бошланди. Бу колхозларнинг аъзолари йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрдилар. Пахтани сортларга қараб ва яхши очилтириб 3-4 марта териб олиш тадбирлари колхозчилар орасида ҳар томонлама кенг муҳокама қилинди ва уни амалга ошириш чоралари кўрилди.

Шунингдек колхозлардаги барча пахта териш машинаси сифатли ремонтдан чиқариб, йиғим-теримга тахт қилиб қўйилди.

Карл Маркс номли колхознинг илғор механизатори Анорбой Нормуродов ўзи парвариш қилган 37 гектар ердаги пахтани машинада теришга пухта тайёргарлик кўрди. У область механизаторлари слётида қатнашиб, мавсумда 80 тонна пахта теришга аҳд қилди.

М. Ойдинов.
Т. Мирзаахмедов.
Т. Мамбетов.

Мусобақадошлар фермасида

АНДИЖОН. (**«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан телефон орқали олинди**). Тошкент область чорвадорларининг 10 кишидан иборат ўзаро текшириш бригадаси мусобақадош Андижон область колхоз ва совхозларида чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан олинган социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш учун келдилар.

Делегация составида бўстонлиқлик донгдор чўпон Эштоев, Янгийўл район Ленин номли колхоз чорвачилик фермаси мудири Қ. Муҳамедов, Ховос район ижроия комитетининг раиси Н. Абдусаломова, Чиноз район бош зоотехниги Азенов ва бошқа ўртоқлар бор.

Делегация аъзолари Олтинкўл районидаги «Коминтерн», Тельман номли ва «Коммуна» колхози чорвачилик фермаларида бўлдилар. «Коминтерн» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Исабоев тошкентликларни колхоз фермаси билан батафсил таништирди. Бу ерда бирнеча силос башняси қурилган, фермадаги барча ишлар механизация ёрдамида бажарилади. Моҳир сут соғувчи, Ленин орденли Рўзахон Маннонова 22 бош сигирнинг ҳар биридан 8 ой мобайнида 3452 литрдан сут соғиб олган. Шунингдек колхозда чўчқачиликка ҳам катта эътибор бериляпти. Колхозда гўшт топшириш давлат планининг 80 процента чўчқа гўшти ҳисобига бажарилган.

Ўзаро текшириш бригадаси аъзолари шу райондаги Тельман номли колхоз чорвачилик фермасида ҳам бўлдилар. Колхоз раиси Марямхон Йўлдошева ем-хашак базасини кенгайтиришга катта эътибор берилаётганлиги ҳақида сўзлади. Колхозда бу йил 300 гектар ерга маккажўхори, хашаки лавлаги ва бошқа силосбоп экинлар экилган. Колхозда чорва қишловига ҳам яхши тайёргарлик кўрилган.

Мусобақадошлар колхознинг қўйчилик фермасида ҳам бўлдилар. Колхознинг бош чўпони А. Қумрибоев 500 бош совлиқдан 501 қўзи олган, у ҳозир совлиқларни қишда қўзилатишга тайёргарлик кўрмоқда.

Шу куни чорвадорлар группага бўлиниб областнинг Жалақудуқ, Ленин, Ворошилов, Бўз ва Избоскан районларига жўнаб кетдилар.

Сут соғиб олиш 8 ойлик плани ошириб бажарилди

Калинин районидаги Сталин номли колхознинг илғор сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳикоят Абдуллаева ўзига биркитилган 12 бош соғин сигирдан 8 ой давомида тланда белгиланган 42477 килограмм ўрнига 43700 килограмм сут соғиб олиб, планни ортиғи билан бажарди. Ўртоқ Абдуллаева ҳар бош сигирдан 5200 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олган.

Шунингдек, илғор сут соғувчилардан Ноиба Ёдгорова ҳам ўзига биркитилган 10 та соғин сигирдан 37 минг килограммга яқин сут соғиб олиб, 8 ойлик планни ортиғи билан адо этди. Ўртоқ Ёдгорова ҳар бир соғин сигирдан 4700 литр сут соғиб олишга аҳд қилган. Ҳозиргача у, ҳар бош соғин сигирдан 3466 килограммдан сут соғиб олди.

Колхозда чорва қишловига тайёрлик кўриш ишлари ҳам қизғин бормоқда. Тўла механизациялаштирилган қишлик янги ферма биносининг қурилиши тамомланиб, яқинда фойдаланишга топширилди.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Терим илғорлари

Бекобод районидаги «Искра» колхози аъзолари ва 2-«Далварзин» совхозининг 6-бўлим ишчилари КПСС нинг навбатдан ташқари XXI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, юксак ғайрат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётирлар. Улар пахта йиғим-теримига уюшқоқлик билан киришдилар.

«Искра» колхозининг Михлибой Бобоёров бошлиқ 4-бригадаси ва Комилжон Эркабоев бошлиқ 5-бригадаси аъзолари ҳозиргача йиллик планнинг 8-9 процента миқдорида биринчи сорт пахта тайёрладилар.

Қизларгул Хидиралиева, Жаҳон Маманазарова, Тўқсулов Шербоева, Ўринбой Шоолпиев, Ортиқбой Усмонов каби теримчи қиз-йигитлар ҳар куни 50-60 килограммдан биринчи сорт пахта тераётирлар.

6-бўлим ишчилари эса, пахта териш машиналарини мавсумга тахт қилиб, қўлда териб олишга мўлжалланган далалардан ҳар куни 95-100 килограммдан пахта тераётирлар.

Х. МАМАНАЗАРОВ.
Ё. ҲАСАНОВ.

Ҳар гектар ердан 180 центнердан кўк тола

Қуйи Чирчиқ район колхозларида каноп ва жут ҳосилини йиғиб олиш суръати кучайтириб юборилди. Андреев номли, «III Интернационал», Димитров номли ва Энгельс номли колхозлар ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 процента миқдорида каноп ва жут ҳосили топшириб, Улуг Октябрнинг 41 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада энг олдинда бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги қарори район меҳнаткашларини меҳнатда янги ютуқлар сари илҳомлантириб юборди. Улар етиштирилган мўлкўл каноп ва жут ҳосилини қисқа муддатларда сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётирлар. Райондаги колхозлар йиллик планни фақат каноп ва жутнинг кўк толаси топшириш билан бажаришга аҳд қилганлар. Бу, албатта колхозлар экономикасини кўтаришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Димитров номли колхознинг ўртоқ Нам Сен-Гун бошлиқ 6-бригадасида ва Кан Сан-Бок бошлиқ 7-бригадасида ҳар гектар ердан 180-200 центнердан каноп кўк толаси йиғиб олинмоқда. Шунингдек, Энгельс номли колхознинг ўртоқ Ем Алексей бошлиқ 4-бригадаси ва Цой Давид бошлиқ 2-бригада аъзолари гектаридан 110 центнердан каноп-жут толаси олиб, ҳозиргача йиллик планни 103 процентдан бажардилар. Улар ҳар гектар ердан 180 центнердан каноп-жут толаси топшириш мажбуриятини олдилар.

Далаларда эрталабдан қош қорайгунча «НП-9» агрегатлари тўхтовсиз ишлаб туради. Димитров номли колхозда кўк толани шилиб олувчи янги «НПЛ-500» агрегати муваффақиятли ишламоқда. Бу агрегат оғир қўл меҳнатини анча енгилаштиради. Масалан, «НП-9» агрегатида 30 киши ишласа, «НПЛ-500» агрегатида 11 киши ишлайди. Райондаги илғор колхозларда каноп ва жут ҳосили топшириш йиллик планини кўк тола ҳисобига бажариш учун барча куч ва воситалар тўла сафарбар қилинаётир.

Б. ШОНАЗАРОВ.



Суратда: Димитров номли колхознинг 6-бригадасида жут толаси тайёрлаётган янги «НПЛ-500» агрегати. Чапда: агрегат механиги Ким Борис.

О. Косирев фотоси.

Йиллик план бажарилди

Олтинчи беш йиллик топшириқларини муваффақият билан бажариш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, Тошкент машина-экскаватор станциясининг коллективи катта ғалабани қўлга киритди. Мавжуд резервлардан тўла ҳамда унумли фойдаланиш, экскаватор бригадалари ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, меҳнатни тўғри ташкил этиш ва илғорлар тажрибасини бутун коллектив ўртасида оммалаштириш натижасида 1958 йил топшириғи муддатидан илгари— 10 сентябрдаёқ ортиғи билан бажарилди.

Социалистик мусобақада йиллик планни қарийб 150 процентга етказиб бажарган И. Роменский ва Н. Ничукин ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Станциянинг кўпгина моҳир экскаватор машинистлари шу кунларда 1959 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига ишламоқдалар.

Коллектив эришилган муваффақиятларни ишлаб чиқаришда янги ютуқлар билан мустаҳкамлаш ва КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш мақсадида ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача пландан ташқари яна 1 миллион кубометр ер ишларини бажаришга аҳд қилди.

Аҳил ва меҳнатсевар коллектив ўз зиммасига олган ана шу янги мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш учун шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Совет медицинаси фанини янада ривожлантирамиз

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон медицина ходимларининг съезди

Республика соғлиқни сақлаш министри Р. С. Соатовнинг Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларининг аҳволи ва унинг яқин орадаги вазифалари тўғрисидаги докладидан кейин музокаралар бошланди.

Делегатлар республикада сўнгги йиллар ичида халқ соғлигини сақлаш ишларини ривожлантиришда эришилган ютуқлар тўғрисида гапирдилар.

Музокараларда Наманган область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири А. С. Мирсаидов, Қува район даволаш-санитария — противоэпидемология бирлашмасининг бош врачи М. И. Киреева, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири В. Ю. Шомирзаев, Андижон область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири С. А. Аҳмаҳўжаев, Тошкент медицина институтининг доценти В. М. Параюксов, Қорақалпоғистон АССР соғлиқни сақлаш министрлигининг бош хирурги У. Холмуродов, медицина ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси М. Ш. Шарипов, Андижон медицина билим юртини битириб чиққан ва ҳозирги вақтда Андижон областининг Ленин районидаги «XX партсъезд» колхози фельдшерлик медицина пунктининг мудири бўлиб ишлаётган С. Мамажонова, Самарқанд безгак ва паразитология илмий-текшириш институтининг директори, профессор Л. М. Исаев, Тошкент область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Б. И. Ҳошимов, Хоразм область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири И. А. Абдуллаев, Мўйноқ касалхонаси бош врачининг вазифасини бажарувчи Н. Д. Каланцев, республика тери-венерология илмий-текшириш институтининг директори Е. Н. Матвеев, Республика Қизил Ярим ой жамияти Марказий комитетининг раиси С. И. Белавин ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Профессорлардан Ш. Р. Алимов ва П. Г. Гаспарьян ўртоқлар ўз нутқларида сил касаллигининг профилактикаси ва уни даволашнинг баъзи масалаларига тўхталдилар.

Съезд қатнашчиларини қардош иттифоқчи республика соғлиқни сақлаш органларининг вакиллари — Қозоғистон соғлиқни сақлаш министри С. Р. Қоринбоев, Туркманистон соғлиқни сақлаш министри Д. Непесов, Қирғизистон соғлиқни сақлаш министри Ю. Е. Данилов, Тожикистон соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари М. Т. Шўлатова, Озарбайжон соғлиқни сақлаш министрлиги илмий кенгашининг раиси профессор Д. Ю. Гусейнов самимий табриклидилар. СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Семашко» номидаги соғлиқни сақлашни ташкилий ва медицина тарихи институтининг директори Е. Д. Ашурков «Здоровье» журналининг редакцион коллегияси ва мазкур институт коллективи номидан съезд вакилларини табриклади.

Съездда СССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари М. В. Хомутов катта нутқ сўзлади.

Съезднинг 16 сентябрда бўлган охирги мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Р. Ғ. Гуломов сўзлади. Бу ерда тўпланганлар унинг томонидан ўқиб эшиттирилган Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети номидан съездга юборилган табрик хатини давомли қарсаклар билан қутиб олдилар. Ўртоқ Гуломов ўз нутқида республика медицина ходимларининг энг муҳим вазифаларига тўхталди.

Съезд Ўзбекистоннинг барча медицина ходимларига, медицина олий ўқув юртлари ва билим юртларининг профессорлари ҳамда ўқитувчиларига, илмий-текшириш институтларининг ходимларига қарата Мурожаат қабул қилиб, уларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдан ташқари XXI съездини муносиб равишда кутиб олишга чақирди. (ЎзТАГ).

Медицинага бағишланган виставка

Навоий номидаги опера ва балет театрининг ҳашаматли биноси республикамиз соғлиқни сақлаш ходимлари вакиллари билан тўлган. Бу ерга аҳоли саломатлигининг посбонлари, минглаб кишиларни ўлимдан сақлаб қолган, миллионлаб беморларнинг дардига даво топган шифобахшлар йиғилишган. Президиумда атоқли медицина олимлари, профессорлар, медицина фанлари докторлари, қишлоқ врачлари, Москва, қардош республикалардан келган вакиллар ўтиришибди. Съезд делегатлари Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри Ўртоқ Р. Соатовнинг нутқини тингламоқдалар.

Театрнинг фойеларида совет медицинасининг қанчалик тез суръатлар билан ривожланганлигини тасвирловчи виставка ташкил қилинган. Зиналар иккинчи қаватга чиқишингиз билан «Тошкент медицина институти» деб ёзилган стенда кўзингиз тушади. Унда институт тайёрлаб чиқарган кадрлар сонининг ўсиши диаграммалар билан кўрсатилган. Институтда 1920 йилда фақат 20 врач тайёрланган бўлса, 1957 йилга келиб 3 минг 882 врач етиштириб чиққан, шу жумладан 2 минг 148 врач Ўзбекистондан бўлиши айниқса қувончлидир.

Аҳоли соғлигини сақлаш соҳасида қилинаётган жуда катта ғамхўрликларни тасвирловчи қатор стендлардаги рақамлар ва фотосуратлар медицинанинг турли соҳаларида мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилганлигидан далолат бериб турибди.

Мана дўмбоққина боланинг расми тасвирланган стенд. Юқорисига «Болаларнинг соғлигини сақлаш» деган сўзлар ёзилган. Бунда болалар касалини даволаш муассасалари, шифохоналардаги ўринлар сони ҳамда болалар консультациялари ва яслилари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги рақамлар билан кўрсатилган. Янгидан қурилган ва қурилаётган туғруқхоналар, шаҳар, район касалхоналари, медицина пунктлари ҳақидаги маълумотларни кўрсатувчи стендлар ҳам делегатлар диққатини ўзига жалб қилаётир.

Янгидан кашф этилган эффектив дори-дармонлар, турли касалликларни даволашда қўлланиладиган хилма-хил аппаратларни ҳам кўпчилик қизиқиб тамоша қилмоқда. Виставка стендлари ёзма ва моддий материалларга бой. Улар совет медицинасининг ажойиб катта ютуқларини яққол кўрсатиб турибди.

Суратда: Ўзбекистон медицина ходимлари IV съезднинг қатнашчиларидан (чапда) З. Жамолова (Тошкент), Ли Максим (Бухоро), С. Ҳидоятова (Қашқадарё), С. Ражабов ва М. Маҳмудов (Бухоро) ўртоқлар ўзаро суҳбатда.

В. Панов фотоси.

КИМ АЙБДОР?

Мирзачўлда совет савдоси қонунлари қўпол равишда бузилмоқда

Суд залига одам сиғишмай кетган. Ҳамманинг кўзи қора курсида мункайиб ўтирган йигитда. Бу, Янгиер шаҳридаги 6- ошхонанинг собиқ мудири Толибжон Қўчқоров эди. Қўчқоров 4 ой мудирлик қилиб, 42 минг 234 сўм растрата қилган. Бугун унинг ишини кўришаяпти...

Айбдор Қўчқоров, шунчалик қисқа вақт ичида қандай қилиб давлатнинг 42 минг сўмдан ортиқ маблағини йўқ қилдингиз? — суд раисининг бу саволига айбдор қисқагина қилиб:

— Ўзим ҳам билмайман, — деди.

Суд ҳайъатининг кетма-кет берган саволига Қўчқоров ана шундай мужмал жавобларни берди. Шундан сўнг суд раиси ўртоқ Умаров гувоҳларни чақирди. Биринчи гувоҳ Янгиер ОРСининг собиқ бошлиғи Аганян эди. У ҳам суд состави томонидан берилган ҳамма саволларга бурмалаб жавоб қайтарди. Суд залидагилар ҳам, суд ҳайъати ҳам Аганянга негадир шубҳа билан қарашар, илмоқли саволлар беришар эди. Лекин суд ҳайъатининг қўлида Аганянни бирор жиноят қилишда айблайдиган ҳужжатли далил йўқ эди.

Одил совет суди Толибжон Қўчқоровга 8 йил қамоқ жазоси берди. Қўчқоров қилмишига яраша жазоланди. Бироқ у яна бир нарсани, яна бир сирни ўзи билан бирга олиб кетди. Бу сир унинг собиқ бошлиғи Аганянининг ҳатти-ҳаракатларидан иборат эди.

Боя айтганимиздек, Қўчқоров кўлида ҳеч қандай далил бўлмаганлигидан дардини ёра олмасдан қийналди. Бунинг устига ошна-оғайнигарчилик. Ахир Аганян бир неча марта совет савдоси қоидасини бузиб, жиноятлар қилиб қўлга тушган Қўчқоровни Қўқондан чақириб олган эди-да. Вақти келганда ҳар иккиси оғиз-бурун ўпишган. Мана энди Қўчқоровнинг этиги торлик қилиб қолганида, Аганян юзини чирт буриб олди. Ҳамма жиноятни унинг бўйнига ташлаб, ўзи гувоҳ бўлиб туриб олди...

Давлатнинг 42 минг сўмдан кўпроқ маблағи ўғирланишига, Қўчқоровнинг жиноят қилишига ким сабабчи, ким айбдор? Аганян «менга тегадиган қозонда суқим қайнасин» дегучилардан. Қўчқоровнинг қўлига 6- ошхонанинг бутун хўжалигини топшириб қўйди. У, қозоннинг бошида бошқа кишиларнинг айланишини истамади шекилли, Қўчқоровни айни вақтда склад мудири, экспедитор, ҳатто буфетчи этиб тайинлади. Складчи, буфетчи, ошхона мудири ва ниҳоят экспедитор кўнгли тусаган, Аганян буюрган «ишларни» қилаберди. Аганян Қўчқоровни калькулятор этиб ҳам тайинламоқчи эди-ку, лекин жамоатчилик уларнинг найрангини фош қилиб ташлади. Шундай қилиб, Қўчқоров қамалди. Аганян эса сувдан қуруқ чиқиб олди...

Оралан бир неча кун ўтгач, суд ҳайъати Аганян тўғрисида шахсий ажрим чиқариб, уни Янгиер шаҳар партия комитети ҳамда ижроия комитетига юборди. Халқ суди чиқарган 201 сонли бу шахсий ажримда шундай дейилган эди: суд состави жиноятчи Қўчқоровнинг ишини кўриб чиққанида, бу ишда Янгиер ОРСининг собиқ бошлиғи коммунист ўртоқ А. Аганяннинг ҳам иштироки бор, деб қарайди. У, ОРСнинг бошлиғи бўлатуриб, Қўчқоровга бир йўла бирнеча вазифани топшириб, социалистик қонунни бузишда Қўчқоровга кўмаклашган. Ўртоқ А. Аганяннинг бундан кейин савдо системасида ишлаши қатъиян мумкин эмас...

Суднинг бу ажрими тўғрисида биринчи бўлиб шаҳар партия комитети ўз фикрини айтиши керак эди. Бироқ шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ Раҳматов коммунист Аганянни негадир партия жавобгарлигига тортмади, аксинча уни ҳар хил йўллар билан ҳимоя қилиб, шаҳардаги 1- ошхонага мудир этиб тайинлашга эришди. Ҳозир Аганян бу ошхонага ҳам қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларини тўплаб олган, хуллас ошиғи олчи...

Бундан бир неча ой муқаддам Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда «Главголодностепстрой» бош бошқармаси раҳбарлари Мирзачўл массивидаги савдо тармоқлари хизматини яхшилаш мақсадида главка ҳузурида УРС ташкил этган эдилар. Шундан сўнг савдо ишларида бирмунча жонланиш юз берди. Бироқ савдо тармоқларида ишлаётган ходимларнинг ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилашга етарли эътибор берилмади. Шу сабабли бу ерда ҳали ҳам растрата қилиш, совет савдоси принципларини қўпол равишда бузиш ҳоллари давом этмоқда. Шу йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида биргина Янгиер ОРСи савдо ташкилотининг ўзида ўнларча киши растрата қилди ва давлатга жуда қатта зарар келтирилди.

Бунинг асосий сабаби шундаки, УРС ва ОРС раҳбарлари магазин мудирларини, савдо ходимларини танлашда қўпол хатоларга йўл қўйиб қолдилар. Социалистик қонунга хилоф равишда ўз ошна-оғайниларини савдо складлари ва магазинларига тайин этаётирлар. Ўртоқ Т. Носиров УРС бошлиғи этиб тайинланганидан сўнг, коммунистга хос бўлмаган ғайри-қонуний йўл тутаётир. У, ўзининг дидига ёқмаган савдо ходимларини бирин-кетин ишдан бўшатиб юборди. Шуниси ажабланарлики, Янгиер ОРСининг бошлиғи ўртоқ Муҳидовни сабабсиз ишдан четлаштирди. КПСС аъзоси Усмон Муҳидов 20 йилдан кўпроқ савдо системасида ишлаб келган эди. Шаҳар партия комитети соф виждонли бир коммунистнинг тақдири ҳал қилинаётган пайтда ўзини чеккага олиб, нотўғри йўл тутди. Хўш, шундан сўнг Янгиер ОРСи ишида ўзгариш бўлдими? Йўқ, албатта. Ҳали ҳам қўриқ ва бўз ерни ўзлаштираётганлар учун олинаётган гилам ва тикув машиналари, мотоцикл ва бошқа камёб товарлар прилавка остида «ҳал» бўлаётир.

Ўртоқ Носиров уялмай-нетмай ўзининг поччаси Низомовни УРС бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлади. УРС бошлиғининг иккинчи ўринбосари ўртоқ Балаянс эса ҳамон қариндош-уруғларини, ёр-биродарларини магазин ва ошхоналарга тиқиштиришга ҳаракат қилади. У, оғайниси Петросянга шаҳар марказидаги 2- магазинни, қариндоши Микосянга эса 2-ошхона мудирлигини топшириб қўйган. Бу ўртоқларнинг бирортаси ҳам Янгиерда яшамайдилар, балки Тошкентдан қатнаб ишлайдилар. Кези келганда шуни ҳам кўрсатиш керакки, «Главголодностепстрой» бош бошқармаси ҳузуридаги УРС ходимларининг 90 проценти Тошкент ва Самарқандан қатнаб ишламоқдалар. Уларнинг бирортаси ҳам Мирзачўлда яшаш тўғрисида астойдил ўйламайдилар.

Агар УРС ва унга қарашли ОРСлар кадрлар бўлимининг иши билан танишсангиз, савдо ташкилотида ишлаётган ходимларнинг аксарияти бошқа касб эгалари эканлигини кўрасиз. Шунинг учун ҳам растратчилар сони кўп. Шу йилнинг май ойида Янгиер ОРСига совет савдосига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган А. Коробейников бошлиқ қилиб тайинланди. Орадан кўп ўтмай Коробейников турли йўллар билан давлатнинг 11 минг 640 сўм пулини жиғилдонига урди. Лекин ёғаи оғиз уялар деганидай, Коробейниковни хўжа кўрсингагина ишдан бўшатиб, Обручево станциясидаги ОРС бошлиғининг ўринбосари қилиб юбордилар. Ҳолбуки, Коробейников социалистик мулкни талон-тарож қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши лозим эди.

Коробейников Янгиер ОРСининг бошлиғи бўлиб турган пайтда Н. Дзукаева деган шахси 4- ошхонанинг буфетчиси этиб тайинлаган. Бироқ бошлиқ Дзукаеванинг қандай шахс эканлиги, илгари қандай ташкилотда ишлагани билан қизиқмаган. Оқибатда Дзукаева атиги 2 ой ишлаб, давлатнинг 26 минг 850 сўм пулини ўғирлаб қочган. Бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, юборилаётган камёб саноат моллари кўпинча енг ичида тақсимланаётир. Июль ойида Янгиер ОРСига келтирилган 20 та гилам, ўнлаб тикув машиналари ўртоқ Латипов мудирлик қилаётган 25-магазин орқали сув бўлди. Бу молларнинг кимга сотилгани номаълум. Лекин шу нарса аниқки, бу молларни бирорта бинокор ёки механизатор харид қилмаган. 28 август куни магазин мудири ўртоқ Латипов эпчиллик қилиб Тошкентга тушди ва Главунивермагдан 12 та гилам ҳамда бошқа саноат моллари келтирди. Латипов келтирилган молларни очиқ сотиш ўрнига, прилавканинг тагига ташлади. Унинг айтишига қараганда, бошлиқларнинг алоҳида кўрсатмаси келганича, бу моллар шу ерда турар экан. Ўша куни кечқурун Латипов яна беш панжасини оғзига тиқди. Баҳоси 400 сўмлик бурки этикни шаҳар халқ судининг раиси Умаровга 425 сўмга, шаҳар архитектори Мельниковга 475 сўмга сотган. Шунингдек у, бошқа саноат моллари ҳам белгиланганидан юқори баҳода пуллаган.

Текширишда шу нарса аниқландики, сўнгги 8 ой давомида Янгиер савдо ташкилотларига 134 ходим келиб, 150 дан кўпроқ киши бўшаган. Савдо ходимларининг қўнимсизлиги ана шундай авж олиб кетган. ОРСнинг бошлиғи янги бўлди дегунча, магазин ва ошхона мудирлари ҳам ўзгариб қолади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда «Главголодностепстрой» бош бошқармасининг раҳбарлари савдо шахобчаларидаги фақат ўз манфаатлари учунгина ишлайдиган, бундай юлғич, найрангбозларни кўрсалар ҳам, негадир ҳамон ўзларини кўрмасликка, билсалар ҳам, билмасликка олмоқдалар.

А. АБДУАЗИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Биринчи совет ордени

ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАНИГА 16 СЕНТЯБРДА ҚИРҚ ЙИЛ ТЎЛАДИ

...Даҳшатли 1918 йил. Василий Константинович Блюхер қўмондонлигидаги Урал партизанларини оқдар Россиянинг марказий областларидан ажратиб қўйган эдилар. Ўша вақтда Блюхер бошқа командирлар билан бирга дадил қарор қабул қилди: душманнинг орқа томони бўйлаб жанглар қилиб ўтишга, тоғлар ва ботқоқликлар орқали ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ўтиб, Қизил Армия қисмлари билан қўшилишга қарор берилди. Обоз, беморлар ва ярадорлар (уларнинг сони эса ҳар бир жангдан кейин кўпайиб борди) олга силжишни ғоят қийинлаштирарди. Бу афсонавий юриш қирқ кун давом этди. Талантли командирнинг темирдек мустаҳкам иродаси туфайли жиспланган Блюхер отрядлари 12 сентябрда ўз орзу-мақсадларига эришдилар — Қизил Армиянинг олдинги қисмлари билан қўшилдилар.

Бу мислсиз зафар ҳақидаги хабар Москвагача етиб келди. Худди ўша вақтда, 1918 йил 16 сентябрда Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети биринчи совет орденини — Қизил Байроқ орденини таъсис этган эди. Бу декретнинг копиясини ҳозир Совет Армияси Марказий музейида кўриш мумкин. Декретда бундай дейилган:

«1) Ўрнак белгиси РСФСРнинг бевосита жанговар фаолият вақтида алоҳида жасурлик ва мардлик кўрсаттан ҳамма гражданларига берилади.

2) Ўрнак белгиси қилиб Қизил Байроқ ордени таъсис этилади...»

Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг 1918 йил сентябрида бўлиб ўтган мажлисида юксак революцион мукофотни биринчи бўлиб кимга бериш масаласи кўйилганда Я. М. Свердлов Қизил Байроқ орденини Василий Константинович Блюхерга топширишни таклиф этган эди. Бу таклифни Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг ҳамма аъзолари якдиллик билан қувватладилар.

Қизил Байроқ ордени таъсис этилганига қирқ йил бўлди. Ўтган қирқ йил мобайнида Совет Армиясининг Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишда, социалистик Ватаннинг ташқи ва ички душманларига қарши курашда алоҳида жасурлик кўрсатган неча-неча минглаб солдатлари, офицерлари ва генераллари бу мукофотни олишга сазовор бўлдилар. Биринчилар қаторида бу орден билан граждан урушининг ўнг чиқарган қаҳрамонлари К. Е. Ворошилов, С. М. Будённий, М. В. Фрунзе, В. И. Чапаев, А. Я. Пархоменко, Г. И. Котовский ва бошқалар мукофотландилар. Контрреволюцияга қарши курашда кўрсатган катта хизматлари учун Ф. Э. Дзержинский Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Кўпгина ҳарбий хизматчилар гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан урушида йилларида бу мукофотни олишга сазовор бўлдилар.

Қизил Байроқ ордени билан В. И. Ленин номидаги ҳарбий-сиёсий академия, М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академия, профессор Н. Е. Жуковский номидаги ҳарбий-ҳаво инженерлик академияси, В. В. Куйбишев номидаги ҳарбий инженерлик академияси ва Совет Армиясининг бошқа ўқув юртлари, шунингдек ҳарбий қисмлар ва қўшилмалар мукофотланган.

Қизил Байроқ ордени кавалерларининг кўп минг кишилик отряди — совет кишиларининг марлиги, ҳарбий шавкатини, ўз Ватанига, улуғ Ленин партиясига чексиз садоқатини кўрсатувчи ёрқин далилдир. (ТАСС).

Бюджет топшириқларининг тўла бажарилишини таъминлайлик

Партия ва ҳукуматимизнинг саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилиш қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, шунингдек иттифоқчи республикалар хўжалигини планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш ҳақида кўраётган тадбирлари экономикамиз ва маданиятимизни кескин ривожлантириш, мавжуд резервлардан янада унумлироқ фойдаланиш учун барча имкониятларни яратиб берди. Шу билан бирга давлат аппаратларининг масъулиятини оширди. Халқ хўжалиги ва маданиятни юксалтиришга қаратилган бу тадбирларнинг тинмай амалга оширилаётганлиги маҳаллий бюджетга ҳам самарали таъсир кўрсатди. 1958 йилда маҳаллий бюджет даромадлари 1955 йилга нисбатан 32,5 процент кўпайди. Бюджет даромадлари саноат корхоналари ва хўжалик ташкилотларидан келган фойда ҳисобига ошди. Шу давр ичида саноат корхоналари ва хўжалик ташкилотларидан келган даромад икки ярим баравардан зиёдроқ ўсди, бюджет ҳаражатлари 35,6 процент кўпайди. Шу жумладан халқ хўжалигига сарфланган маблағ 2 баравардан зиёдроқ ошди, социал-маданий тадбирларга сарфланган маблағ деярли 100 миллион сўм кўпайди.

Бу келтирилган рақамлар маҳаллий бюджетнинг иқтисодий базаси мустаҳкамланганлигини, шунингдек маҳаллий саноат корхоналарининг кенгайганлигини ва унинг бюджет даромадидаги салмоғи ортганлигини, шунингдек халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларга кўплаб маблағ сарфланаётганлигини яққол кўрсатади. партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини ошириш, маданиятни юксалтириш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрликларини ёркин ифодалайди.

Келгусида халқ хўжалигини юксалтиришнинг буюк программасини амалга ошириш, меҳнаткашларнинг маданий ва моддий аҳволини янада яхшилаш учун жуда катта маблағлар талаб қилинади. Бу эса меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари олдига маҳаллий бюджет топшириқларининг тўла ва ошириб бажарилишини таъминлашдек муҳим вазифани қўяди.

Кейинги йилларда маҳаллий Советлар бюджет планларининг бажарилиши устидан раҳбарликни ва назорат қилишни анча яхшиладилар. Бунинг натижасида 1956 — 1957 йилларнинг бюджет планлари даромад бўйича ҳам, харажат бўйича ҳам ошириб бажарилди.

Маҳаллий бюджет топшириқларини ошириб бажарилишини таъминлай олган маҳаллий Советлар пландан ташқари қўлга киритилган қўшимча даромадни шаҳар ва район марказларини ободонлаштиришга: водопроводлар, ҳаммом, мактаб ва бошқа маданий-маиший бинолар қуришга харжладилар. Фақат 1956—1957 йиллар мобайнида маданий-маиший қурилишларга 5,2 миллион сўм сарфланди. Бундан ташқари 1957 йилда олинган қўшимча даромаддан 1958 йил бюджетига 6 миллион сўм ўтказилди. Бу маблағ 1958 йилда меҳмонхона, водопровод, ҳаммом, электр тармоқлари, мактаблар ва бошқа объектлар қуришга сарфланди ва сарфланмоқда.

Бироқ маҳаллий Советларнинг бюджет топшириқларини бажариш соҳасидаги ишларида анчагина камчиликлар ҳам содир бўлмоқда. Областдаги ҳамма район ва шаҳар ижроия комитетлари ҳам бюджет топшириқларини тўла бажардилар, деб бўлмайди. 1956 ва 1957 йилларда кўпгина район ва шаҳар ижроия комитетлари бюджет планларини бажармадилар.

1957 йилда Октябрь, Янгийўл, Гулистон районлари бюджет топшириқларини бажаришда айниқса орқада қолдилар. Шаҳар ва район ижроия комитетлари бюджет топшириқларини айрим турлари юзасидан ҳам берилган планни бажармадилар. Натижада 1957 йили бюджетнинг даромад қисми қарийб 11,4 миллион сўмга яқин кам бажарилди.

Бюджет маблағларини қандай сарфланаётганлиги устидан етарли даражада контроль қилинмаётганлиги натижасида кўпгина маблағларнинг қонунсиз сарфланишига, ундан нотўғри фойдаланишга айрим ҳоллларда эса растратлар ва талон-тарож қилинишига йўл қўйилди. Бу йил кўкламда меҳнаткашлар депутатлари Советининг сессиялари бўлиб ўтди. Бу сессияларда депутатлар 1958 йил бюджет планининг бажарилишидаги қатор камчиликларни очиб ташладилар ва уни тезда бартараф қилинишини талаб этдилар.

Шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида бюджет топшириқларининг бажарилиш якунлари депутатларнинг ҳақли талаблари амалга оширилмаётганлигини кўрсатди. Йилнинг биринчи ярмида бюджетнинг шахсий даромад плани 45,5 процент бажарилди, холос. Бюджетнинг кўпгина турлари бўйича берилган топшириқ бажарилмай қолди. Маҳаллий савдо, саноат кооперациялари, маҳаллий саноат ва маданий-маиший корхона бошқармалари бюджет юзасидан олган мажбуриятларини бажармадилар. Шунингдек 12 районда бюджет даромадлари бўйича берилган план тўла ado этилмади. Айниқса Боёвут, Бўка, Гулистон, Қуйи Чирчиқ, Октябрь ва Пискент районларида планнинг бажарилиши қониқарсиз бормоқда.

Областнинг молия органлари ҳам бюджет даромадларининг ўз вақтида йиғилиши устидан етарли контроль қилмаётирлар. Молия органларининг ходимлари бюджет даромад ва харажат планларининг тўла бажарилиши учун ўзларининг ҳам жавобгар эканликларини унутиб қўймоқдалар.

Бу йил коммунал хўжалик қурилишига кўпгина маблағ ажратилди. Бироқ район, шаҳар ижроия комитетлари, бу маблағларни жуда суст кашлик билан ўзлаштирмоқдалар. Шунингдек мактаб қурилиши ҳам ниҳоятда секинлик билан бормоқда. Ҳозир йилнинг ярмидан кўпи ўтиб қолганига қарамай Ўртасарой район ижроия комитети мактаб қурилиши билан ким шуғулланишини ҳалигача аниқламаган. Бу шуни кўрсатадики, айрим район, шаҳар ижроия комитетлари бюджет маблағларининг сарфланиши устидан контроллик қилмаётирлар. Улар депутатлар билан биринчи навбатда доимий комиссияларнинг аъзолари билан яқиндан алоқада бўлиб бамаслаҳат ишламаётирлар. Иш шу даражага бориб етдики, Бўка, Ўртасарой ва Верхне-волинск район ижроия комитетлари 1958 йил 1 кварталида бюджет топшириқларининг қандай бажарилганлигини муҳокама қилмадилар. Деярли бирорта районда ҳам бу масала юзасидан қишлоқ ва поселка Советларининг ҳисоби муҳокама қилинмади. Район ижроия комитетлари бюджет планларини бажаришда қишлоқ ва поселка Советларига ҳеч қандай ёрдам бермаётирлар.

Кўпгина районларда доимий бюджет комиссиялари етарли иш олиб бормаётирлар. Комиссиялар фақат йил охиридагина бюджетнинг бажарилиши ва янги йил бюджетини тасдиқлашдагина иштирок этадилар. Ваҳоланки қаерда бюджет комиссиялари яхши ишлаётган бўлсалар шу ерда бюджет топшириқлари тўла ва ошириб бажарилмоқда. Масалан, депутат Катаев раислик қилаётган Олмалиқ шаҳар Советининг доимий бюджет комиссияси бюджет топшириқларининг бажарилишини ҳар бир кварталда жиддий муҳокама қилади, унинг бажарилишини якунлайди. Бюджет планларининг тўла ва ошириб бажарилиши учун тадбирлар белгилайди. Комиссия бюджет масалалари юзасидан ижодий таклифлар киритиб, уни амалга оширишда ҳам ташаббус кўрсатиб ишлайди. Шунинг учун ҳам Олмалиқда бюджет топшириқлари йилдан-йилга тўла ва ошириб бажариб келинмоқда.

Олмалиқ шаҳар Совети бюджет комиссияси ва депутатларнинг ёрдами туфайли ўтган йили бюджет планларини ошириб бажарди. Бюджет харажатларидан фойдаланишда ҳам яхши натижаларга эришди. Шунинг натижасида шаҳарда ободончилик ишлари йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ўтган йили социал-маданий муассасалар қурилиши учун 700 минг сўм сарфланди. Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарларида ҳам доимий бюджет комиссияларининг иши яхши йўлга қўйилган.

Бироқ ташаббус кўрсатиб ишлаётган доимий бюджет комиссияларининг ишлари бошқа шаҳар ва районларда кенг оммалаштирилмаётир.

Келаётган IV-квартал бюджет топшириқларини даромад ва харажат бўйича ошириб бажаришнинг ҳал қилувчи давридир. Бу кварталда бюджет даромадларининг маълум қисмини халқ хўжалиги ва социал-маданий тадбирларни амалга ошириш учун сафарбар этиш лозим. Маҳаллий Советлар маданий-оқартув ва даволаш муассасаларини қишга пухта тайёрлашлари, биноларни ремонт қилиш, мактаб ва коммунал хўжалик корхоналарини қуриш, уларни асбоб-ускуналар билан тўла таъминлашлари лозим. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий Советлардан бюджет масалаларига кўпроқ эътибор беришни, бюджет топшириқларининг бажарилишига раҳбарлик қилиш ва уни вақти-вақти билан текшириб туришни талаб қилади. Ишни шундай ташкил қилиш керакки, бюджет топшириқлари барча турлари бўйича тўла ва ошириб бажарилсин. Бунинг учун барча қишлоқ ва поселка Советлари, район ва шаҳар Советлари бюджет топшириқларини сўзсиз бажаришлари лозим.

Яна шунга эришмоқ керакки, бюджет даромадидан қилинадиган ҳар бир сўм ўз жойига қатъий план асосида сарф қилиниши ва ундан унумли фойдаланилиши керак. Шаҳар ва район Советлари бу ишга депутатларни ва биринчи навбатда доимий бюджет комиссияларининг аъзоларини сафарбар қилишлари, шунингдек ҳарбир қишлоқ, поселка Советларининг раисларига бюджет топшириқларини бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликларини уқдиришлари лозим.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, бюджет топшириқларининг даромад ва харажат бўйича тўла ошириб бажарилиши шаҳар ва районларимизнинг обод ва кўркам бўлишини, хўжалик ва маданий қурилишнинг ривожланишини, меҳнаткашларнинг фаровонлигини таъминловчи асосий омилдир.

Я. К. ЭЛЧИБЕКОВ,
Тошкент область молия бўлимининг мудири.

Ернинг учинчи сунъий йўлдоши парвозда

16 сентябрь эрталаб соат 6 га қадар учинчи сунъий йўлдош Ер атрофини 1693 марта айланиб чиқди. (ТАСС).

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига тайёргарлик кўрувчи Осиё-Африка комитетида

16 сентябрда Бирма ёзувчиси У Та Ньюнт раислигида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясига тайёргарлик кўрувчи Осиё-Африка комитетининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда молия масалалари билан шуғулланувчи кичик комитетнинг доклади тингланди. Доклад қилган А. Чаковский (СССР) Осиё ва Африка мамлакатларидан келадиган бир қанча делегатларнинг Тошкентга келиши билан боғлиқ бўлган харажатларини тўлаш учун уларга молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги тавсияномани комитет муҳокамасига тақдим этди. Тайёргарлик комитети қабул қилинган резолюцияда тақдим этилган тавсияларни маъқуллади ва ана шу харажатларнинг бир қисмини конференцияни маблағ билан таъминлаш халқаро фондига тушган маблағлар билан қоплаш мумкин деб топди. (ЎзТАГ).

ХАЙР МОСКВА!

Поль Робсон Совет Иттифоқидан жўнаб кетди

Американинг машҳур ашулачиси, жамоат арбоби, тинчлик учун актив курашчи Поль Робсон Совет мамлакатида бир ой меҳмон бўлиб турди. Шу вақт ичида Поль Робсон ва унинг рафиқаси Эсланда Робсон Москвадан ташқари Ялта, Сочи, Тошкентда бўлдилар, совет кишиларининг ҳаёти билан танишдилар, минг-минглаб дўстлари билан учрашдилар.

15 сентябрда москваликлар Поль Робсонни Лондонга ҳузатиб қолдилар. ТУ-104 самолёти парвоз қилишидан олдин пойтахт санъат ходимлари, СССР Маданият министрлигининг масъул ходимлари, Москва консерваториясининг студентлари Внуково аэродромига тўпландилар.

Эсланда Робсон шу ерда ҳозир бўлган совет дўстлари билан хайрлашади ва уларга ташаккур изҳор қилади. Шундан кейин Поль Робсон микрофон олдига келади.

— Барча совет кишиларига, — деди у, — катта раҳмат. — Совет Иттифоқида бир ой бўлдик. Эндиликда ҳар биримиз яқин дўстим, қардошим, синглим бўлиб қолдингиз. Дўстлар, ҳаммангизга раҳмат!

Кеча, Москвадан жўнаб кетиш олдидан Кремлга бордим. Мавзолейда бўлдим, ўзининг бутун ҳаётини дунёдаги барча одилий кишиларнинг бахтли яшаши учун бағишлаган америкалик журналист ва курашчи Жон Ринднинг қабрини зиёрат қилдим. Бу ерда, Қизил майдонда ўзимни яна Совет мамлакатининг дўстигина деб ҳис этмай, балки ўзимни халқингизнинг бир фарзанди деб ҳис қилдим. Дўстлар, тезликда кўришгунча хайр!

Сўнгги марта қўл беришиб, ўпишиб хайрлашадилар ва кумушсимон қуш аэродромдан парвоз қилади. Москвада яна дўстона кўришгунча, хайр! (ТАСС).

Пахта териш машиналарига кенг йўл!

Бизнинг машинада пахта териш планимиз

Октябрь районидаги Киров номли колхоз пахта териш машиналаридан қандай фойдаланади

Бу йил давлатга 31 430 центнер пахта топширишимиз керак. Бу ўтган йилга қараганда 6235 центнер кўпдир. Ғўзаларни квадрат-уялаб парвариш қилганлигимиз ва қишлоқ хўжалик техникасидан унумли фойдаланганимиз туфайли шу юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштирдик. Ҳар туп ғўзада колхоз ва бригадалар бўйича олинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажаришга имкон берадиган кўсаклар бор.

Энди биз шу етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай қисқа муддат ичида йиғиб-териб олишимиз ва давлатга юқори сифатли пахта топширишимиз керак.

Пахта йиғим-теримини тезлатиш, унга сарфланадиган меҳнат ва маблағни камайтириш учун кўпчилик майдонлардаги ҳосилни пахта териш машиналарида йиғиб олишга қарор қилдик. Мавжуд 1395 гектар пахта майдонидан 835 гектарини ёки 60 процентини машинада териб олишга ажратдик. Бу майдонлардан 16141 центнер ёки ялпи ҳосилнинг ярмидан кўпроғи машинада териб олинади. Машинада пахта териш плани бажарилганда бир центнер пахтани териб олиш учун сарфланадиган меҳнатни ўтган йилга қараганда 1,5 марта камайтирган бўламиз.

Ўтган йиллардаги тажриба шуни кўрсатдики, пахта машинада териб олинганда теримга сарфланадиган меҳнат ва бошқа маблағлар анча камаяди. 1953 йилда машина билан 801 тонна пахта териб, 10522 меҳнат куни ва 71500 сўм пул иқтисод қилган эдик. 1954 йилда эса машина билан 956 тонна пахта терилиб, 15938 меҳнат куни ва 82556 сўм пул тежалди. Сўнгги икки йил мобайнида машина билан 940-960 тоннадан пахта тердик ва 31150 меҳнат куни, 200 минг сўмга яқин пул тежаб қолдик. 1957 йилда эса бир гектар ердаги пахтани териб олиш учун ўрта ҳисобда кўл билан терилганда 75 иш куни, машина билан терилганда 27 иш куни сарфланди, ёки қариб уч марта кам сарфланди. Бир тонна пахтани машинада териб олганда сарф қилинган меҳнат қўлда терилганга нисбатан 173 сўм 41 тийинга камайди. Машиналардан фойдаланиш натижасида колхозчиларнинг меҳнат кунига тўланган ҳақ миқдори 15-20 процент кўпайди. Мана шунинг учун ҳам бизнинг колхозимиз пахтани машинада териб олишни йилдан-йилга оширмоқда.

Бу йил колхозимизда 25 та пахта терадиган, 8 та кўрак чувийдиган машина ишлайди. Пахтаси машинада териладиган участкалар ҳозир тахт қилинди, йўллар, кўприклар ремонтдан чиқарилди, ўқ ариқлар текисланди. Машина айланадиган уватлар ҳам 2-3 кун ичида 5-6 метргача кенгайтирилди. Бу ишлар механизация ёрдами билан бажарилди. Бригадаларда пахта хирмонлари, тарозилар, қоп ва этаклар тахт қилиб қўйилган. Пахта ташийдиган транспорт бригадаларга биркитилди. Колхоздаги 7 бригаданинг ҳар бирига биттадан юк машинаси ва бир нечтадан арава биркитилган. Уларда ишнинг 80 процентини механизация ёрдамида бажариш мўлжалланади.

Колхоз механизаторлари 20 сентябргача пахта териш машиналарини, 25 сентябргача кўрак чувиш машиналарини сифатли ремонтдан чиқариб теримга тахт қилиб қўядилар.

Колхозимизда механизатор кадрлар етарли. Уларнинг кўпчилиги пахта теришда бир неча йиллик тажрибага эга. Механик-ҳайдовчиларнинг кўпчилиги Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабида қайта тайёрланди. Ғўзаларни дефолияция қилишни 25 сентябргача тугаллаймиз. Бу ишда самолётлардан фойдаланамиз.

Ўтган йилги тажрибаларга суяниб машинада пахта теришни кўсаклари 60 процентгача очилган участкалардан бошлаймиз. Пахтаси машинада териб олишга мўлжалланган участкаларда пахтани қўлда тердирмаймиз. Пахтани яхши очилтириб 25-30 кун орасида машина билан икки марта териб оламиз. Шундан сўнг тахминан 25 октябрдан 12 ноябргача кўрак терувчи машиналарни ишга соламиз. 18-20 ноябрдан кечиктирмай барча пахта майдонларини тозалаймиз.

Пахта терувчи машиналар бир вақтнинг ўзида барча бригадаларда баравариг ишлайди. Ҳар бир бригадага иш ҳажмига қараб биттадан ўчтагача пахта терувчи машина биркитамиз. Ҳар бир механик-ҳайдовчига ўзи ишлайиган участкаларнинг қандай тайёрланганлиги билан танишиш имконини берамиз.

Бригадага биркитилган пахта териш машиналари олдиндан белгилаб қўйилган график-маршрут асосида бир участкадан иккинчи участкага ўтади. Ҳар бир механик-ҳайдовчи бехуда овора бўлиб юрмаслик учун ўзига ажратиб берилган участкада ишлайди. Механик-ҳайдовчилар загон усулида терадилар, шундай қилинганда, машиналарнинг бўш юриши ва пахтанинг ерга тўкилиши камаяди.

Терилган пахта машина буриладиган жойга тўкилади. Пахта шу ернинг ўзида қопланади ва қуритилмай, тозаланмай тайёрлаш пунктига жўнатилади.

Машинанинг пневматик подборщиги терган пахта алоҳида ерга тўкилади, пунктга топширишдан олдин далада қуритилиб тозаланади.

Машинада терилган пахтани тозалаш учун ҳар 2 та далачилик бригадасига биттадан кўрак чувиш машинаси биркитилади.

Бу йил колхозимизда машинада пахта териш поток усулида ташкил қилинади. Ҳар бир далачилик бригадаси машинада терилган пахтани пешма-пеш тайёрлаш пунктига жўнатиб улгуриши учун қуйидаги тадбирлар белгиланди: масалан, биринчи бригадада машинада териш учун 75 гектар майдон ажратилди. Бу бригадада очилган пахтани 28 иш кунида териб олиш белгиланди, шундан биринчи терим 15-16 кун ичида ўтказилади. Агар битта пахта териш машинаси бир кунда 1,5 гектар ердаги пахтани терса, у шу муддат ичида 24-25 гектар майдондаги пахтани бемалол териб улгуради. Демак бу бригадага 3 та пахта териш машинаси биркитиш керак бўлади. Ҳар уччала агрегатга сув етказиб туриш учун бир киши ажратилди.

Ҳар гектар ердан 28 центнердан ошириб ҳосил олиш мўлжалланган майдонларда 3 машина биринчи терим даврида ҳар куни 6-7 тоннадан пахта териши мумкин. Бу пахтани қуритиш, машинага ортиш учун 4-5 колхозчи керак бўлади. Ташиш учун эса битта юк машинаси зарур.

Агар пахта қанорларда ташилса, қанорларни тикиш ва тайёрлаш пунктларида бўшатиш учун яна 2-3 колхозчи керак бўлади. Шундай қилиб бу бригадага механик-ҳайдовчилар билан бирга (қўлда пахта терувчилардан ташқари) 10-11 киши керак бўлади. Демак ҳар бир киши 5-5,5 гектардан ердаги пахтани териб бериши мумкин.

Тўкилган пахтани териш учун ҳар бир пахта териш машинасига 6-7 тадан киши, терилган пахтани кўсак чувиш машинасида тозалаш учун 3-4 киши ажратилади. Тўкилган пахтани машинада 2-марта териш ўтказилгандан сўнг териб олишга киришамиз.

Пахта йиғим-теримда поток усулини муваффақиятли қўлланиш учун пахта териш машиналари эрталаб, шудринг кўтарилиши биланоқ теримга тушадилар. Унгача ҳар бир механик-ҳайдовчи ўз машинасини техника кўригидан ўтказади.

Пахта териш машиналарининг юқори сифатли ишлаши муваффақиятларимизнинг асосидир. Биз бу йил механик-ҳайдовчиларнинг ҳар қачонгидан ҳам сифатлироқ ишлаши учун контролликни кучайтирамиз. Ҳамма агрегатларнинг биринчи тезликда ишлашини таъминлаймиз. Механик-ҳайдовчилар машиналарни шундай созлайдиларки, бунинг натижасида ерга тўкиладиган пахта 3-4 процентдан ошмайдиган бўлади. Ҳар 2-3 группага (6-7 машина) битта трактор бригадасининг ёрдамчиси биркитилади. У ҳайдовчилар билан бирликда машиналарнинг техник аҳволи ва ишнинг сифатли бажарилишига жавобгардир. Далачилик бригадасининг бошлиғи пахта сифатли терилгандатина қабул қилиб олади.

Колхозимиздаги ҳар бир ҳайдовчи пахтани юқори сортли қилиб териш учун конкрет мажбуриятлар олди. Масалан, Отахон Саидов, П. Давришев, Александр Мосолович ўртоқлар ўз зиммаларига мавсум давомида 80 тоннадан сифатли пахта териш мажбуриятини олдилар.

Энг яхши ҳайдовчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштиришга катта аҳамият берамиз. Ҳар бир дала шийпонига ҳар бир механик-ҳайдовчининг қанчадан пахта тераётганлиги мунтазам равишда ёзиб борилади. Колхоз ҳурмат тахтасига эса энг яхши машина ҳайдовчиларининг, ворохоочиститель машинистларининг, шоферларнинг, аравакашларнинг ва бошқа илғорларнинг портретларини қўямиз.

Колхоз бухгалтерига механик-ҳайдовчиларнинг кундалик терган пахтасини ҳисобга олиш ва ҳар 10 кунда уларга пул аванси бериш мажбурияти юкланди.

Колхозимиз 2 йиллан бери ҳисобкитоб ишини хозрасчёт асосида олиб бормоқда. Бу тадбир колхозчиларнинг манфаатдорлигини оширди, пахта етиштиришда меҳнат ва маблағни тежаб-тергаб сарфлашга имкон берди. Машинада пахта теришни ҳар томонлама кучайтириш билан бирга қўл билан пахта теришга ҳам катта эътибор берамиз. Бунинг учун пахта теришга камида кўсакларнинг 30 проценти очилганида киришамиз. Ҳар бир участкада пахтани 4 марта очилтириб териб оламиз. 3- марта яхши пишган ва 4-марта очилмаган ёки ярим очилган кўсакларни териб оламиз. 4 марта териб олишни жорий қилиш билан бирга ишлаб чиқариш нормасини қўйидагича қайта кўриб чиқамиз: биринчи ва иккинчи теримда пахтани очилишига қараб бир кунлик норма 60-80 килограмм, 3-теримда 50 килограмм, кўрак терилганда 100 килограммдан қилиб белгиламиз.

Барча механик-ҳайдовчиларга ва колхозчиларга ўз зиммаларига олган нормаларини бажариш учун барча имкониятларни яратиб берамиз. Ҳар бир дала шийпонида мунтазам равишда иссиқ овқат ташкил қилинади. Дала шийпонлари колхозчи ва механизаторларнинг маданий дам олиш жойига айлантирилади. Колхозда 11 та ясли ва боқча мунтазам ишлайди. Колхоз партия ташкилоти йиғим-терим даврида оммавий-сиёсий ишларни намунали ўтказиш учун ҳар бир далачилик бригадасига агитаторлар биркитди.

Машинада ва қўлда пахта теришни тўғри ташкил қилиб, биз октябрь ойи бошлариданоқ ҳар кун йиллик планга нисбатан 3 процент миқдорида пахта териш ва топширишни мўлжаллаймиз.

Колхозимиз аъзолари машинада пахта теришни уюшқоқлик билан ўтказадилар ва 15-20 ноябрдан кечикмасдан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Колхозимиз аъзолари КПСС XXI съездини меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб оладилар!

К. ХРОКОЛОВ,
колхоз раиси.
Т. БОЛТАЕВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.
У. АБДУКАРИМОВ,
колхоз агрономи.
Э. МИХ,
колхоз комсомол ташкилотининг секретари.

Совет Иттифоқи атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишни таклиф этади

Бош Ассамблея XIII сессиясида қатнашувчи СССР делегацияси бошлиғи А. А. Громиконинг БМТ Бош секретари Д. Хаммаршельдга мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 15 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг XIII сессиясида қатнашувчи СССР делегациясининг бошлиғи А. А. Громико БМТ бош секретари Д. Хаммаршельдга мактуб юборди. Мактубда бундай дейилади:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, СССР делегацияси «Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида»ги моддани муҳим ва шошилинч масала сифатида Бош Ассамблея XIII сессиясининг кун тартибига киритиш учун тақдим этади».

Мазкур масала юзасидан берилган изоҳномада бундай дейилади:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, Совет делегацияси Бош Ассамблея «Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида»ги моддани муҳим ва шошилинч масала сифатида қараб чиқсин, деб таклиф этади.

Бу масалани шошилинч равишда ҳал қилиш заруриятини қуйидагилар талаб қилади:

«Биринчидан, атом ва водород бомбалари синовларининг давом эттирилиши атом қуроли билан зўр бериб қуролланишни авж олдиради, ядро қуролининг ялпа кўп киришчилик келтирувчи турларини вужудга келтиришга хизмат қилади, бу эса атом уруши чиқиши хавфини кучайтиради.

Иккинчидан, ҳар бир янги ядро бомбасининг портлатилиши атмосферани, тупроқни ҳамда денгиз ва океанларнинг сувини заҳарлайдиган жуда кўп радиоактив маҳсулотларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Атом ва водород қуроли синовларига хотима берилмаса, ҳозирги кундаёқ кўп миллионлаб кишиларнинг ҳаётига ва соғлигига таҳдид солувчи атом радиациясининг хавфи эртага ялпа жиддий тус олади. Маълумки, БМТнинг атом радиацияси илмий комитети яқиндагина ана шу хавфга эътиборни жалб этган эди. Бу комитетнинг аъзолари — 15 мамлакат ҳукуматлари томонидан тайинланган машҳур олимлар ядро синовларини давом эттириш «ҳозирги ва келажак авлодлар учун янги ва анча даражада ўрганилмаган хавфларни туғдиради» деган хулосага келдилар. Бош Ассамблея олимларнинг бу огоҳлантиришига жуда жиддий эътибор бериши лозим.

Учинчидан, экспертларнинг Женевада бўлиб ўтган кенгаши ядро синовларини ҳамма жойда тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя этилишини контроль қилишнинг самаралы системасини вужудга келтириш мумкинлиги тўғрисида якдиллик билан бир фикрга келган бир вақтда бу муҳим масаланинг ҳал этилишини янада пайсалга солишга тоқат қилиб бўлмайди.

Совет ҳукумати атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келишни 1955 йиддан бери таклиф этиб келди.

Совет ҳукумати ядро синовларининг ҳамма жойда тўхтатилишига амалий негиз солишга интилиб, ҳамма турдаги атом ва ядро қуроли синовларини Совет Иттифоқининг бир ўзи тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қилди ҳамда АҚШ ва Буюк Британияни ўзидан намуна олишга чақирди. Совет Иттифоқининг бу тадбири атом ва водород қуроли синовларининг барча давлатлар томонидан тўхтатилиши учун қулай шароит вужудга келтирди. Бироқ, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Совет Иттифоқидан намуна олмадиларгина эмас, балки унинг бу ташаббусига ядро қуролини тажриба мақсадида портлатишни мисли кўрилмаган даражада жадаллаштириш билан жавоб бердилар, улар бу синовларни ҳозиргача давом эттирмоқдалар. Ана шу ҳаракатлар АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Совет Иттифоқининг ядро синовларини тўхтатиб қўйишидан ўзлари учун ҳарбий жиҳатдан устунликка эга бўлиш мақсадида фойдаланишга уринаётганликларини кўрсатиб турибди. Равшанки, Совет ҳукумати СССР хавфсизлигини назарда тутиб, бундай ҳаракатларга индамай қараб туролмайди.

Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атом ва водород қуроли синовларини ҳамма жойда абадий тўхтатиш тўғрисидаги масалани ижобий ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриши лозим, деб ҳисоблайди. Бундай қилиш шунинг учун ҳам айниқса зарурдирки, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматларининг 22 августда берган баёнотларига кўра, бу ҳукуматлар атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани ўша Ғарб давлатларининг позицияси сабабли бажариш иложи бўлмаган бир қанча шартлар билан боғлаб, бу ишни кечиктиришни давом эттирмоқдалар. АҚШ ва Англия ҳукуматлари халқларнинг ядро қуроли синовларига хотима бериш тўғрисидаги якдилона талаблари билан ҳисоблашишни истамай, бу билан синовларнинг давом эттирилаётганлиги учун ҳамда бу синовлар натижасида инсониятга ҳалокатли оқибатлар вужудга келиши эҳтимоллиги учун бутун жавобгарликни ўз зиммаларига олмоқдалар.

Бош Ассамблея томонидан бу масаланинг қараб чиқилиши ва ижобий ҳал қилиниши бутун халқаро қазиятга яхши таъсир кўрсатган бўлур эди, атом ва водород қуролини тамомила тақиқлаш йўлида қўйилган биринчи муҳим қадам бўлур эди ҳамда қуролсизланиш проблемасига доир бошқа муҳим масалаларни ҳал этиш учун қулай шароит вужудга келтирган бўлур эди.

Совет ҳукумати атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалани қуролсизланишнинг умумий программасидан ажратиб олиш ҳамда уни қуролсизланиш соҳасида давлатлар ўртасида жиддий ихтилофлар бўлган бошқа масалаларга боғлиқ қилиб қўймасдан, дарҳол ва мустақил равишда ҳал этиш зарур деб ҳисоблайди. Бу масалани ҳал этишга ана шундай киришиш тинчлик манфаатларига жавоб беради».

КПСС XXI съездига муносиб совға тайёрлаш учун

Верхне-волинск районининг илғор колхоз ва совхозларида пахта йиғим-терими тобора қизғин тус олмоқда. КПСС Марказий Комитети сентябрь пленумининг партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириш ҳақидаги қароридан илҳомланган район меҳнаткашлари пахта йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиб, пахта тайёрлаш йиллик планини Улуғ Октябрнинг 41 йиллиги кунигача бажариш учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Шу кунларда барча ишчи кучлари пахта теримига жалб қилинган.

«Победа» колхозининг Ғайбулла Назаров, Қўқан Кўчимов, «Қизил Октябрь» колхозининг М. Муродов, «Социализм» совхозининг Қ. Ҳожиев, О. Пардаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳар куни йиллик планнинг 1 процентига яқин пахта терилиб, давлатга топширилмоқда.

Бу бригадаларда жуда кўп қизғин йигитлар мавсум давомида 10-15 тоннадан пахта теришга аҳд қилишган. Пахтани сортларга ажратиб теришга айниқса катта эътибор берилмоқда. Машинада теришга ажратилган майдонларда карта четларидаги ғўзалар юлиниб, тез кунда теримга тушишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ғ. ПАЗЛИЕВ.

Ҳар бир колхозда мевазор ва узумзор боғ бўлсин

Қорасув районидаги Ленин номли колхозининг боғи. Бу ерга эрталабдан бошлаб кишилар кела бошлади. Улар орасида Паркент соҳибкорлари, Миразачўл ва Боёвут чўлларида боғ-бўстонлар яратаётган ёшлар ва кексалар, Бўстонлиқ тоғ ғарбларида моҳирлик билан ҳар хил мева дарахтлари ўстираётган миришкорлар, йил сайин меваларнинг янгидан-янги навларини топаётган, ширин-шакар ток, олма, нок, бодом, ёнғоқ, олхўри ва бошқа хил мевалар кўчатини кўпайтириш учун илм сарфлаётган олимлар, мутахассислар бор.

Шу ерда область боғбонлари ва соҳибкорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Партия ва совет ташкилотлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган бу кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари **С. Н. Нуриддинов** қисқача нутқ сўзлаб очади.

Кенгаш қатнашчилари узумзор ва мевазор боғларни бундан кейин янада кенгайтириш тадбирлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар.

Тошкент областида катта узумзор ва мевазор боғларга эга бўлган ва шу боғлардан жуда катта даромад олаётган хўжаликлар бор. Қорасув районидаги Ленин номли, Боёвут районидаги Карл Маркс номли, Калинин районидаги Сталин номли ва шунга ўхшаш бир қанча колхозлар узум боғларини кенгайтираётганликлари учун катта даромад олмоқдалар.

Лекин шунга қарамай областда боғдорчилик билан, узумчилик билан етарлича шуғулланилмаётир. Шундай колхозлар ҳам борки, мевазор ва узумзор боғларни ташландиқ ҳолга келтириб қўйганлар. Бу боғлар колхозга даромад келтириш ўрнига, зарар келтирмоқда. Чиноз, Пискент районларида илгаримари жуда яхши мевазор ва узумзор боғлар бўлган эди. Бу районларнинг раҳбарлари боғларни кўпайтириш, ҳосилдорликни ошириш учун чинакамига қурашмай қўйдилар. Оқибатда боғлар қаровсиз қолиб, айрим жойларда йўқ бўлиб кетмоқда.

Областда боғбон кадрларни тайёрлаш ҳам талабга жавоб бермайди. Бу тўғрида жиддий ўйлаб кўриш керак.

Кенгаш қатнашчилари машҳур соҳибкор, Сталин мукофотининг лауреати Ризамат ота **Мусамуҳамедов**нинг нутқини зўр қизиқиш билан тингладилар. Ризамат ота боғдорчиликни, айниқса узумчиликни тинмай ривожлантириш, бунинг учун ҳар бир колхоз ва совхоз раҳбари астойдил курашиши кераклиги тўғрисида гапирди.

Ризамат ота шу кенгаш ўтказилаётган боғда ҳар гектар ердан йилига ўртача 20-22 тоннадан узум олинаётганлиги, серҳосил «Баянширин» навли узумзорнинг ҳар гектаридан ўтган йили 45 тоннадан ҳосил етиштирилганлиги ҳақида гапиради.

Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Юсуфжон **Хожибековга** сўз берилди.

— Қадимги чўлларда ташкил топган колхозимизда, — дейди у, — пахтачилик, чорвачилик билан бир каторда боғдорчилик ҳам ривожлантирилмоқда. Дастлабки йилларда барпо қилинган боғ ҳозир 127 гектарга етказилди. Бу йил ҳар гектаридан 200 центнердан узум, гектаридан 60 центнердан шофтоли ҳосили олишни мўлжаллаб турибмиз. Чўлда узумзор ва мевазор боғлардан юқори ҳосил етиштираётган колхозчиларимиз боғни яна кенгайтиришга — 150 гектарга етказишга қарор қилдилар.

Кенгашда Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда боғдорчилик, айниқса узумчиликни ривожлантиришга шу вақтгача етарли эътибор берилмай келганлиги тўғри танқид қилинди. Колхоз қишлоғи — Ниёзбоши ўзининг узуми билан областимиздагина эмас, ҳатто Иттифоқда машҳур. Бу ерда токзори бўлмаган бирорта хўжалик йўқ. Колхоз правленияси ҳеч бўлмаганда шулардан ибрат олиб колхозда катта ва намунали узумзор боғлари ташкил этиши керак эди. Сўзга чиққан колхоз раиси **О. Кўчқоров** юқоридаги танқидларни тан олганлигини ва бу йил колхоз 100 гектар ерда янгидан боғ ташкил этажаглигини билдирди.

Р. Р. Шредер номли тажриба станциясининг Мирзачўл тажриба пункти ходими **Эшонхўжаев**, Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул **Турсунқулов** ва бошқа ўртоқлар ҳам гапирдилар. Ҳамроқул Турсунқулов колхоз ва совхозларда боғдорчиликни комплекс ривожлантириш кераклигини алоҳида уқтириб ўтди.

— Колхозларимиз фақат узумзор ёки олмазор боққагина эмас, — деди у, — бошқа мевазор боғларга ҳам, масалан нокзор, беҳизор, ўриксор, анжир-анорзор ва шунга ўхшаш боғларга ҳам эга бўлиши керак.

Кенгаш қатнашчилари кадрлар тайёрлаш, мева ҳамда ток кўчатлари етказишга катта эътибор бериш зарурлиги тўғрисида фойдали маслаҳатлар бердилар ва бу соҳадаги ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Кенгаш қатнашчилари яқин уч йил ичида узумзор ва мевазор боғларни янада кенгайтириш, ҳосилини ошириш муҳим вазифа эканлигини таъкидладилар. Районларнинг партия, совет ташкилотлари боғларни қанчалик кенгайтириш мумкинлигини ҳисобга олиб чиқишлари, бунинг учун зарур тадбирлар белгилаб чиқишни 15 кун ичида тугаллашлари лозим.

Суратда: донгдор соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедов бир группа кенгаш қатнашчиларига узумдан мўл ҳосил етиштириш тўғрисида сўзлаб бермоқда.

В. Салов фотоси.

Узоқ Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин!

Хитой Халқ Республикаси. Хитой халқ — озодлик армияси ҳарбий-денгиз кучлари қўшилмаси торпеда катерининг командири Ван Цзя-фа чанкайшичилар кораблига қарши отишга тайёрлик кўрмоқда. **Синьхуа агентлиги фотоси.**

(Сурат ТАСС фототелеграфи орқали қабул қилиб олинган).

Варшавада Хитой-Америка музокаралари

ВАРШАВА, 15 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Хитой-Америка музокаралари бошланди. Музокараларда Хитой томонидан Хитой Халқ Республикасининг Польшадаги элчиси Ван Бин-нань, Америка томонидан АҚШнинг Польшадаги элчиси Жекоб Бим қатнашмоқдалар.

Музокаралар бошланиши олдидан элчилар баёнот бердилар.

Ван Бинь-нань бундай деди: Мен элчилар даражасида музокаралар ўтказишишидан гоят хурсандман. Варшава — қаҳрамон шаҳардир. Мен бу ерда ижобий натижаларга эришамиз, деб умид қиламан.

Мен, деди Жекоб Бим, бу учрашув шу қадар қисқа вақт ичида ўюштирилганлигидан хурсандман. Бу учрашув ижобий натижаларга олиб келади деб умид қиламан.

ВАРШАВА, 15 сентябрь. (ТАСС). Бугун Варшавада элчилар даражасида Хитой-Америка музокаралари бўлди. Ҳар иккала мамлакат элчиларининг галдаги учрашуви 18 сентябрда маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10 да бўлади, деб эълон қилинди.

БРЮССЕЛДАГИ ХАЛҚАРО ВИСТАВКАДА БЕЛЬГИЯ-СОВЕТ МУНОСАБАТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШ

БРЮССЕЛЬ, 15 сентябрь. (ТАСС). Кеча Брюсселдаги халқаро виставкада Бельгия-Совет муносабатларига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечада Бельгия депутатлар палатасининг раиси Гюйсманс, Бельгия-Совет дўстлиги жамиятининг раиси Жакмотт, Бельгиянинг маданият арбоблари, шунингдек СССР нинг Бельгиядаги элчиси В. И. Авилов ҳамда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг Калишьян бошчилигидаги делегацияси аъзолари ҳозир бўлдилар. Бельгия-Совет дўстлиги жамияти турли бўлимларининг раҳбарлари йиғилишда совет кишиларининг турмуши ҳақида, СССР да медицина, санъат, адабиёт, спорт, фан, кинематографиянинг, касаба союз ҳаракати ва туризмнинг ривожланиши тўғрисида ахборотлар бердилар. Бош секретарь Сенже Бельгия-Совет дўстлиги жамиятининг фаолияти тўғрисида сўзлаб берди. Калишьян чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятларининг фаолияти ва мақсадлари тўғрисида доклад қилди.

Пировардида элчи В. И. Авилов нутқ сўзлади. У ўз нутқида бу йиғилиш иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш ишига хизмат қилади, деб таъкидлади. Йиғилишдан кейин унинг қатнашчилари совет павильони ёнида жойлашган кинотеатрда «Беповш менинг Ватаним...» кинофильмини тамоша қилдилар.

ТАЙВАНЬ ВА БОШҚА ОРОЛЛАР ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Ж. Неру баёноти

ДЕҲЛИ, 15 сентябрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру бугун халқ палатасида бундай деди: Биз Хитойнинг фақат бир ҳукуматини — Хитой Халқ Республикасининг ҳукуматинигина таниймиз. Биз, деди у, Тайвань ва бошқа оролларнинг — Хитойнинг ажралмас қисмидир, деб ҳисоблаймиз. Ж. Неру таъкидлаб айтики, қирғоқ бўйидаги Цзиньминьдао ва Мацзудао оролларининг душман кучлари томонидан ғоҳкупация қилиб турилганлиги Хитой учун тоқат қилиб бўлмайдиган аҳволни вужудга келтиради.

ДЕҲЛИ, 15 сентябрь. (ТАСС). «Индиан экспресс» газетаси билдиради: Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру кеча Ҳиндистон миллий конгресси партияси комитетининг мажлисида нутқ сўзлаб айтдики, Цзиньминьдао ва Мацзудао оролларининг қитъага яқин туриши, шунингдек бу оролларда ҳарбий истеҳкомларнинг вужудга келтирилиши ва 7- америка флотининг шу ерда бўлиши Хитой ҳукуматини ташвишга солаётган омиллардир.

Неру ана шу оролларни Хитойга топшириш учун дарҳол чора кўриш керак, деди.

Америка-чанкайшичи қароқчиларнинг янги жиноятлари

ПЕКИН, 15 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 8 сентябрда чанкайшичилар тўдасининг 8 ҳарбий кемаси Американинг 7 ҳарбий кемаси ҳимоясида Фуцзянь вилоятидаги Дундиндао оролидан 3, 4 денгиз милясги шимолга томон бориб, «Цзинь-лиюань» деган балиқчилар кемасини ўққа тутган. Натижада бу кема ботирилган, кемада бўлган ўн саккиз балиқчидан тўрттаси ўлдирилган ва иккитаси оғир ярадор қилинган. Тирик қолган балиқчилар қайиқларга тушиб, жонларини сақлаб қолганлар. Хитой ҳарбий денгиз флоти қўмондонлиги томонидан шу районга юборилган кемалар балиқчиларни йиғиштириб олганлар. Ана шу хуруж чанкайшичи қароқчиларнинг яна бир жиноятидир. Чанкайшичи қароқчилар Хитойнинг қирғоқ бўйи районларида Америка ҳарбий кемаларининг ҳимоясида босқинчилик қилмоқдалар.

Чанкайшичи қўшинларнинг ана шу жиноятлари Хитойнинг қирғоқ районларида яшовчи аҳолини жуда қаттиқ ғазаблантирди. 12 сентябрда Сяминь портида турган 150 дан ортиқ балиқ овлаш кемаси командаларининг 200 дан кўпроқ вакили митингга тўпланди ва америка-чанкайшичи қароқчиларнинг жиноий ҳаракатларини қаҳр-ғазаб билан қоралади. Митингда ҳозир бўлган балиқчиларнинг ҳаммаси: «Американинг агрессив қўшинлари, Тайвандан жўнаб кетингиз!», «Биз Цзиньминьдао ва Мацзудаони албатта озод қиламиз!», «Биз Тайванни албатта озод қиламиз!» деб хитоб қилдилар.

«ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАФТАСИ»

Транспортчиларнинг муҳим бурчи

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли илгари чор Россиясининг қолоқ четки ўлкаларида яшовчи халқлар ҳаёти тубдан ўзгариб кетди. Кўп миллатли совет халқлари оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳам гуллаб-яшнамоқда. Илгари қолоқ бўлган Ўзбекистон йирик индустриялашган, қишлоқ хўжалиги механизациялашган, юксак маданиятли социалистик республикага айланди.

Партия ва ҳукуматнинг доимий ғамхўрликлари туфайли республикамиз пойтахти — Тошкент қиёфаси жуда тез ўзгармоқда, ажойиб гўзал шаҳарга айланмоқда. У йирик саноат ва маданият маркази бўлиб қолди.

Шаҳарнинг илгариги тор, ёзда чанг, қишда лой бўлиб ётадиган кўчалари ўрнида кўп қаватли ҳашаматли уйлар қад кўтарган асфальт магистраллар пайдо бўлди.

Тошкентда саноат, қурилишнинг тез суръатлар билан ривожланиши, маданий муассасалар сонининг ортиши ва аҳолининг кўпайиши натижасида ҳамма турдаги транспортга ва айниқса автомобилга бўлган талаб ошиб кетди.

1924 йилда бутун Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб атиги 223 та автомобиль бор эди. Ҳозир биргина Тошкент шаҳрининг ўзида автомобиллар сони 12 мингдан ортиқдир. Ҳамма фойдаланиши мўлжалланган автомобиль транспортида ҳар куни 500 мингга яқин пассажир ва 15 минг тоннадан ортиқ юк ташилади.

Автомобиль ва бошқа турдаги транспортнинг кўпайиши натижасида шаҳар ичи ва шаҳардан ташқаридаги магистралларда транспорт ҳаракати интенсивлиги борган сари ошмоқда. Буни тасаввур қилиш учун қуйидаги мисолни келтириш мумкин: шаҳарнинг Навоий, Пушкин, Шота Руставели ва Куйбишев кўчаларининг ҳар биридан кунига 6 мингдан ортиқ автомобиль қатнайди.

Шунингдек шаҳар кўчаларида йўловчилар сони ҳам кўпаймоқда.

Автомобиль транспорти ва йўловчилар қатнови интенсивлиги ошган ҳозирги шароитда транспорт ҳаракатини рационал ташкил этиш, йўлтранспорт ҳодисаларининг олдини олиш айниқса муҳимдир.

Транспорт ҳаракати хавфсизлиги масаласига Совет давлати доимо катта эътибор бериб келган. Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 25 июнда В. И. Ленин имзоси билан чиқарган Декретида автотранспортни эксплуатация қилиш ва авариядан йўл қўймасликни таъминлашнинг асосий шартлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Декретда кўча ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик шоферлар, диспетчерлар, гараж мудирлари, автотранспорт ташкилотлари раҳбарлари зиммасига тушиши уқтирилган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Совет Иттифоқида «Транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳафтаси»нинг ўтказилиши жуда фойдали тадбирдир.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун шоферлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, сиёсий-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш, механиклар ва болалар ўртасида кўча ҳаракати қоидаларини кенг тушунтириш, транспорт қатнайдиган йўл ва кўприкларни яхшилаш, илгор шоферлар тажрибасини оммалаштириш керак.

«Ҳафтаэлик ана шу катта ишнинг бошланишидир. Бундан сўнг бу масалаларга ҳар соат, ҳар кун жиддий эътибор бериш зарур. Транспорт ҳаракатида авария ҳамда бахтсиз ҳодисаларни бутунлай тугатиш — автомобиль транспорти ва йўл ходимларининг муҳим бурчидир. Бу — уларнинг КПСС XXI съездига муносиб совғалари бўлади.

В. РАЖАБОВ,

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг ўринбосари.

Қўли рулда-ю, кўзи йўлда

Назира опа автопаркка етиб келганида тонг энди ёриша бошлаган эди. У ўзи ҳайдайдиган машинани кўздан кечира бошлади: дастлаб тормоз системасидаги конденсатга йиғилиб қолган чиқиндиларни суюқликни тушириб юборди. Сўнгра балонлардаги босимни текширди, бензин запасини аниқлади. Назира опа машинанинг йўлга шай жанглигига ишонч ҳосил қилгач, диспетчердан путевкани олиб, маршрутга чиқиб кетди.

Машина станцияга етиб келди. Бу ерда анчагина пассажирлар ҳам тўпланишиб туришган экан.

— Барака топинг опа. Доим вақтида етиб келасиз-а, — деди пассажирлардан бири.

— Ишга вақтида етиб келиш ҳаммамизнинг ҳам бурчимиз, — деди кулиб Назира опа. Пассажирлар машинага ўрнашиб олгач, автомобиль Ўртасарой районига қараб елдек учди.

1943 йилдан бери шоферлик касбида ишлаб келаётган Назира Аҳмедованинг шарафли меҳнат тонгги шундай бошланади.

Ўртоқ Аҳмедова рулда ўтириб халққа хизмат қилишни яхши кўради, ўз касбини севади. У ўзининг кўп йиллик иш фаолияти даврида пассажирлар ёки маъмурият томонидан ҳеч қандай огоҳлантириш эшитгани йўқ. Кўча ҳаракати қоидаларига ҳам қатъий риоя қилади, машинани техник жиҳатдан яхши асрайди. Шунинг учун ҳам унга биринчи номерли талон ва автотранспорт аълочиси значоги берилган.

Тошкентдаги 2-автопаркда ишловчи Назира Аҳмедова бошқараётган ЕХ 75 — 21 номерли машина шу кунларда Тошкент — Ўртасарой маршрутида қатнаб турибди.

Суратда: шофер Назира Аҳмедова.
В. Салов фотоси.

Кулинария виставкаси

Чирчиқ шаҳрида умумий овқатланиш корхоналари иштирокида яқинда кулинария виставкаси ташкил этилди. Виставкага ошхона, чойхона, кафе ва ресторанлар турли овқатлар ва кондитер маҳсулотлари билан қатнашдилар. Мутахассис кулинарлар виставкани тамоша қилиш учун келганларга овқатларни қандай тайёрлаш, стол ясатиш ва умумий овқатланишга тааллуқли бўлган бошқа масалалар тўғрисида консультациялар бердилар.

Бир кунда виставкани 1500 га яқин киши келиб кўрди. Шаҳар меҳнаткашлари бундай виставкани мунтазам равишда ташкил этиб туришни илтимос қилдилар.

Виставканинг таассуротлар ёзиладиган дафтарига 60 киши ўз фикрини ёзиб қолдирди. Бунда яхши пиширилган овқатларнинг сифати тўғрисида ижобий фикр айтиш билан бирга, ишчилар ва уй ишлари билан шуғулланувчи аёллар ошхоналарда ярим фабрикатлар ассортиментини кўпайтириш ҳақида ўз истакларини билдирдилар.

В. КРОТОВ.

Пахтакорлар учун 2 мингта концерт ва спектакллар

Йиғим-терим даврида пахтакорларга маданий хизмат кўрсатиш учун Тошкент области колхозларига Ўзбекистон давлат эстрадасининг 3 та бригадаси юборилди. Область пахтакорларига Ўзбекистон давлат филармониясининг хор капелласи ва халқ чолғу асбоблари оркестри, Навоий номидаги опера ва балет театрининг бир группа артистлари ҳам хизмат кўрсатадилар.

Бухоро область музикали драма театри қишлоқ тамошабинларига маҳаллий драматург томонидан ёзилган «Ҳаёт йўли» пьесасини кўрсатади. Бу спектакль колхоз ёшлари меҳнатига бағишланган. Шунингдек Самарқанд, Наманган, Андижон область театрларининг пахтакорларга мўлжалланган гастроль программалари ҳам қизиқарлидир.

Ҳаммаси бўлиб 35 та театр бригадаси ва концерт ташкилотлари пахта йиғим-терими даврида қишлоқ меҳнаткашларига 2 мингта концерт ва спектакль кўрсатадилар.

(ЎзТАГ).

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

Суратларда: чапдан 1. Б. Н. Чемух билан тикувчи Раъно Раҳимова ўртоқлар Раъно тиккан тайёр пальтони заказчига кийдириб кўрмоқдалар. 2. Ателъенинг заказ қабул қилиш залида.
В. Панов фотолари.

Ҳушбичим қилиб тикилган кийим оддий ип газламадан бўлса ҳам ҳар қандай кишига ярашақолади, эгнингга ёпишиб туради. Лекин ёмон тикилган кийим у ҳарқанча қиммат баҳо газмолдан тайёрланган бўлмасин киши эгнида беўхшов кўринади, ярашмайди. Шаҳримизда ўзбек қизларидан етишиб чиқаётган хушбичим кийимлар тикувчи чеварлар сони кўпаймоқда.

Ёшгина Раънонинг Тошкент универмагида қарашли 2-модалар ателъесига келиб ишлай бошлаганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин Раъно аёллар учун пальто, костюмларни бирам чиройлик, бирам келиштириб тикадики, уни кийган ҳам, кўрган ҳам мамнун бўлади.

— Раъно зеҳни ўткир қиз, — дейди ёш тикувчининг устаси ўртоқ Б. Н. Чемух. — Биз фақат бичиб берамиз, қолган ҳамма ишни ўзи бажаради. Пальто ва кастюмни батамом ўз қўлидан чиқаради.

Ателъеда Раъногa ўхшаган чевар қизлар кўп экан. Муҳаррам исмли чевар бўлса эркаклар устки кийими тикиладиган бригадага бошлиқ экан. Унинг иш столида бичиладиган газмоллар... Муҳаррамнинг кўзи пишиб қолган. У қайчи салгина бўлса ҳам силжиб кетса, кийимга қўст тушишини яхши билади.

— Бу илғор бригадаларимиздан, — деб сўз бошлади ателъе ишлаб чиқариш бўлимининг мудири ўртоқ М. Усмонова. — Ойлик топшириқни 150 — 160 процентга етказиб бажаради. Клиентлар чевар тикувчиларимиздан ҳурсанд.

Бригада бошлиғи мастер Муҳаррам Мирортиқова иш устида.

Ателъенинг тайёр кийимлар бўлимида сифатли тикилган костюм, пальто ва кўйлакларни кўрдик. Бу кийимларнинг айримлари ателъенинг ўзидаги материалдан тикилган.

Ателъенинг таклиф ва шикоятлар дафтарида чевар қизларга миннатдорлик сўзлари ёзилган саҳифалар кўп.

Ф. УСМОНОВА.

Ёш ишчилар слёти

Яқинда Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси клубида фабрика ёш ишчиларининг комсомолнинг 40 йиллигига бағишланган слёти бўлиб ўтди.

Слётда Фрунзе район комсомол комитетининг секретари Т. Раҳматуллаев фабрикада ишлаётган комсомол-ёшларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида сўзлади. У, фабрикада 1500 га яқин комсомол-ёшлар кундалик ишлаб чиқариш нормаларини 120-150 процентдан бажариб, комсомолнинг шонли юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олаётганларини таъкидлади.

Слёт қатнашчиларининг қарсаклари остида фабриканинг Раҳимов, Якубовский, Чуликов, Мансуров ва Мирзахалилова каби илғор ёш ишчиларига район комсомол комитетининг ёрлиқлари топширилди.

Комсомол-ёшлар слётда ВЛКСМнинг 40 йиллигини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб олишга сўз бердилар.

О. САЙДАМИНОВ.

Янги автобус маршрутлари

Пассажирлар қатновини яхшилаш мақсадида Сирдарё — Верхне-волинск маршрути бўйича пассажир машинаси қатнай бошлади. Тез кунда Сирдарё — «XIX партсъезд» колхози, Сирдарё — «Малик» совхози бўйича ҳам ана шундай машиналар қатнай бошлайди.

ТАБИАТШУНОС БЛОКНОТИДАН

Липа дарахти

Мамлакатимиз битмас-туганмас табиий хомашё бойликларига эга. Жуда кўп фойдали ўсимликлар ҳам шулар жумласидандир. Шундай ўсимликлардан бири липа дарахти ҳисобланади.

Липа — ўзбек тилида жўка, арғувон дарахти номлари билан ҳам аталади. Бу дарахт мустақил бир туркимни ташкил этади ва бир қанча турларни ўз ичига олади. СССРда липанинг 10 дан ортиқ тури бўлиб, 1,2 миллион гектар ерда табиий ҳолда ўсади. У Иттифоқимизнинг Европа қисмида, Кавказда, Узоқ Шарқда ва қисман Ўрта Осиёнинг айрим жойларида иқлимга мослаштирилган ҳолда ўстирилади.

Липа гуллилар (арғувон гуллилар) туркимига киради. Унинг бўйи 30 метргача бўлиб, танасининг йўғонлиги бир метргача боради.

Липа дарахтининг гули қимматбаҳо ва юқори сифатли нектарга бойлиги туфайли барча асал берувчи ўсимлик гулларидан устун туради. Бу эса асаларичиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир. Яшил ёки оқ сариқ рангли хушбўй, ёқимли ҳидга эга бўлган липа гули асал ариларни ўзига кўпроқ жалб этади. Липа ўртача температурага мосланган бўлиб, ортиқча иссиқ ёки совуқ унинг гуллаш даврига ёмон таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари липа гулидан халқ медицинасида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, липа дарахтининг ёғочи ўзаксиз, юмшоқ, енгил ва мустаҳкам бўлганлиги учун ундан турли мебель, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа ёғоч асбоблари ясашда кенг фойдаланилади.

А. ҲАМИДОВ,

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий ходими.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ

Катта шахмат мусобақаси

20 сентябрда Тошкентдаги Сталин номли маданият ва истироҳат боғида шахмат бўйича Совет Иттифоқи биринчилигининг ярим финал мусобақалари бошланади.

Тошкентда биринчи марта ўтказилаётган бу катта шахмат мусобақасида гроссмейстерлардан Е. Геллер ва В. Корчной, халқаро мастерлардан Симагин, Холмов, Гипслис ва Абрамов, мастерлардан Тарасов, Уфимцев ва бошқа ўртоқлар қатнашади. Кучли шахмат усталари иштирокидаги бу ўйиннинг ниҳоятла қизиқарли бўлиши кутилади.

Бу мусобақада Ўзбекистон чемпиони А. Грушевский республика спорт шуҳратини ҳимоя қилади.

Мусобақа 14 октябргача давом этади.

Х. ТОЖИБОЕВ.

В. Роппопорт — республика чемпиони

Юз катакли шашка бўйича республика биринчилиги учун бўлган мусобақада мастерликка кандидатлар Раппопорт ва Тарасуль 15 имкониятдан 12,5 тадан очкога эга бўлиб, биринчи ва иккинчи ўринларни бўлишиб олишган эди. Юз катакли шашка бўйича 1958 йилда республика чемпиони номини олиш учун Раппопорт ва Тарасуль 4 та қўшимча ўйин ўтказишди.

Қўшимча ўйинда қизғин курашдан сўнг Раппопорт бир ўйинда ғалаба қозониб, 3 ўйинни дуранг қилди. Натижада 4 имкониятдан 2,5 очко олиб, қўшимча ўйинда ғолиб чиққан В. Раппопортга юз катакли шашка бўйича республика чемпиони номи берилди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Бизга ёзадилар

ТАЖРИБА УЧАСТКАСИДА

Калинин районидаги 27-ўрта мактабнинг «Ёш мичуринчилар» ва «Ёш пахтакорлар» тўғараги аъзолари баҳорда икки гектар ерга техника ва сабзавот экинлари эккан эдилар. Улар бу экинларни яхши парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Тўғарак аъзолари мактабда ўтказиладиган «ҳосил байрами»га тайёргарлик кўрмоқдалар.

Шунингдек улар қишда ҳам сабзавот етиштириш мақсадида мактаб тажриба участкасида теплица қуриш ишини бошлаб юбордилар.

М. Ортиқов.

* * *

ЯНГИ МАКТАБ БИНОСИ

Верхне-волинск районидаги «Социализм» совхози территориясида икки қаватли янги мактаб биноси қуриб ишга туширилди. Мактабда политехника кабинети, химия, физика, биология, география кабинетлари, узоқдан қатнаб ўқийдиган ўқувчиларга ётоқхона, ўқитувчиларга квартиралар бор.

Ш. Давлатов.

ХОДИСА

От ўғрилари

Арапов, Мавлонов ва Тошевлар Бўка район Бўка қишлоғидаги Ленин номли ва Хрушчев номли колхозлардан икки отни ўғирлаб кетадилар. Орадан кўп вақт ўтмай улар Қуйи Чирчиқ район Чақмоқ қишлоқ советида отларни сотмоқчи бўлиб турган вақтларида қўлга тушадилар.

Яқинда бу иш суд мажлисида кўрилиб, Арапов 12 йил, Мавлонов 5 йил ва Тошев 2 йил муддат билан қамоққа ҳукм қилиндилар.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

Газеталар хабар қилади

САВДО ШОХОБЧАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Оҳангаронда савдо шохобчалари тўхтовсиз равишда кенгайтирилмоқда. Кейинги икки йил ичида 12 та янги магазин, 3 ошхона, чойхона, бирқанча саноат товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар очилди.

(«Ангренская правда» — Оҳангарон).

ЯНГИ КОНТОРА

Жданов номли колхозда янги типдаги контора қурилди. Бинода 9 хона ва колхозчиларнинг умумий йиғилишларини ўтказишга мўлжалланган зал ҳам бор.

(«Ленинское знамя»—Янгийўл).

ЯНГИ ТУҒРУҚХОНА

Сталин номли колхознинг Калинин участкасида янги туғруқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туғруқхона керакли асбоб-ускуналар, дори ва инвентарлар билан таъминланган. Шу участкадаги фельдшерлик пункти ҳам янги хонага кўчирилди.

(«Колхоз меҳнати»—Мирзачўл).

СИЛОС БОСТИРИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Тошпилемсовхоз»нинг Ленинчи бўлимидаги ўртоқ Йўлдошев бошлиқ ишчилар ҳозиргача маккажўхоридан 350 тонна силос тайёрладилар. Комбайнчилардан А. Абдурахмонов, Ю. Виноградов, Қ. Ҳамроқулов ва А. Низомов ўртоқларнинг ҳар қайсиси бир кунда 20 — 25 тоннадан силос тайёрламоқдалар.

(«Оҳангарон ҳақиқати» — Оҳангарон).

ЯНГИ САБЗАВОТ ДЎКОНИ

Шаҳар савдо бўлими пахта тозалаш заводи, 16-автобаза ҳамда машина-экскаватор станциясининг ишчилари ва хизматчиларига савдо хизмати кўрсатиш мақсадида пахта тозалаш заводи ёнида сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари билан савдо қилувчи янги дўкон очди.

(«Социалистик Бекобод»—Бекобод).

Ота-оналар кечаси

Тошкентдаги марказий лекторийда ота-оналар ўртасида педагогик пропаганда олиб боришга алоҳида аҳамият берилади. Бу ерда тез-тез ота-оналар кечаси ўтказилиб, унда тарбия темаларида лекция ва суҳбатлар уюштирилади, бола тарбияси ҳақида фойдали маслаҳатлар берилади.

Яқинда ўтказилган ота-оналар кечасига 150 га яқин киши қатнашди. Кечада педагогика фанлари кандидати С. Тимурова «Оилада болани тарбиялашдаги қийинчиликлар» деган темада лекция ўқиди. Ота-оналар лекцияни зўр қизиқиш билан тингладилар.

Шундан сўнг Петровская, Халилова ва бошқа ота-оналар сўзга чиқиб, оилада болани одобли, меҳнатсевар қилиб ўстириш ҳақида ўз фикрларини айтдилар.

Кеча охирида «Макаренко» номли бадиий фильм кўрсатилди.

Пахтани қуритиш ва тозалаш учун янги техника

Тошкентдаги «Узбекхлопкомаш» заводи қуритиш-тозалаш цехлари учун тайёрланган янги ва модернизация қилинган ускуналарнинг дастлабки партиясини республикамиз районларига жўнатди. Бу ускуналар пахта тозалаш заводлари, қабул пунктлари ва колхозларда ўрнатилади. Мазкур янги техника пахта тозалаш ускуналари бўйича махсус Давлат конструкторлик бюросида Бутуниттифоқ пахтачилик саноати илмий-текшириш институти ходимлари билан ҳамкорликда яратилган эди.

Лавриненко системасидаги колорифер сушилкасининг айрим узелари ва деталлари янги конструкцияда бутунлай ўзгартирилган. Махсус шинеклар ёрдамида барабанларга нам пахтани узатиб туриш йўли билан ускунанинг тўхтовсиз ишлаши таъминланади. Синов вақтида қайта конструкция қилинган «СХБ-1,5» маркали сушилканинг бир суткада 120 тонна пахтани қуритиши мумкинлиги маълум бўлди. Бу модернизация қилинмаган ускунада қуритилган пахта миқдоридан икки баробар кўпдир.

«ЧХ-3» маркали пахтани тозаловчи янги ускуна ҳам ишлаб чиқарилди. Бу ускуна конструкциясининг соддалиги билан диққатга сазовордир. У тўхтовсиз ҳаракат қилиб турувчи питатель, бир хил типдаги 3 та барабан ва ўтхона панжаларидан иборатдир. Пахтадаги ҳар хил ифлос нарсалар панжаларда пахтани силкитиш орқали ажратиб олинади. Бунда машина билан терилган пахтани тозалаш кўрсаткичи илгариги ускунага қараганда 1,5 баробар юқори бўлади. (ЎзТАГ).

Тошкентдаги Тельман номли паркда сув карусели қурилиб яқинда ишга туширилди. Карусель болаларнигина эмас, балки катталарни ҳам жуда қизиқтирмоқда. Бундай сув карусели биринчи марта Боку шаҳри парклардан бирида қурилган эди. Суратда: болалар сув каруселида.
В. Панов фотоси.

Телевидор экранида

18 СЕНТЯБРДА

19.30. «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан» циклида болалар учун ўзбек тилида «Чет эллик дўстларимизнинг китобчалари» деган эшиттириш.

20.00. «Болаларнинг ўт билан ўйнаши—ёнғин чиқишига сабаб бўлади» деган эшиттириш.

20.15. «Пахтакор» стадионидан Корея Халқ-Демократик республикаси ва Тошкент касаба союз терма командалари ўртасида бўладиган футбол ўйини олиб кўрсатилади.

21.00. Бадиий фильм — «Шанганьлин учун жанг» Сўнгги ахборот.

КИНОЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун 1 ва 2-залда **Иван Грозний**, 3-залда **Гитарали қиз.**

«ИСКРА» (ёзги) — кенг экранли фильм **Севги мазуркаси.**

КАФАНОВ номли. «ХИВА» — **Олтин симфония.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Ҳаммага қарши**, қолган сеансларда **Олтин симфония.**

«САЛЮТ» — **Гитарали қиз.**

АЛИШЕР НАВОИ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

17, 20/IX да — **Дилором.**
17/IX га билетлар сотилган.
21/IX да — кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Галька.**

Кундузги спектакль соат 12 да, кечки спектакллар соат 8 да бошланади.

Ҳамза кўчаси, 9-тупик, 16-уйда турувчи **Миралим Султоновнинг** Ҳамза кўчаси, Олча проезд, 31-уйда турувчи Мамлакат Қўчқор-хўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 2-участка халқ судида кўрилади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

Москвада бўладиган Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан
ТЕЗ КУНДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Собир Абдулла** асари,
Ўзбекистон ССР халқ артисти **Тўхтасин Жалилов** ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Мушель** музикаси қайта ишланган спектакль

Муқимий

4 парда, 7 кўринишли музикали драма.

Режиссёрлар — Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари **М. Уйғур**, **Раззоқ Ҳамроев**, дирижёрлар — **Н. М. Гинзбург**, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Фаттоҳ Назаров**, рассом — **Г. А. Визель**, балетмейстер — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Розия Каримова.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 00690. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-570.